

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

28 Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2183*

(2011 йил 27 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 6-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 54-модда) қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 июндаги 250-сон «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 йил, 6-сон, 34-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 21 февралдаги 505-сонли «Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1114, 2002 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 5-сон);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 10 майдаги 505-1-сонли «Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1114-1, 2002 йил 21 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 10-сон);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 23 августдаги 505-2-сонли «Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1114-2, 2003 йил 9 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 йил, 17-18-сон);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 11 октябрдаги 505-3-сонли «Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1114-3, 2003 йил 20 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 йил, 24-сон);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 февралдаги 505-4-сонли «Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1114-4, 2004 йил 30 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 13-сон, 161-модда).

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2010 йил 11 декабрь,
40/2-сон

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил
11 декабрдаги 40/2-сон қарорига
ИЛОВА

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 6-модда), «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 54-модда) қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 июндаги 250-сон «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 йил, 6-сон, 34-модда) қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида айирбошлаш шохобчаларини рўйхатга олиш, уларнинг ишини ташкил қилиш ва валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

ваколатли банк — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга ошириш бўйича Бош лицензиясига эга бўлган тижорат банки;

валюта айирбошлаш шохобчаси — валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш жойи;

йўл чеки — чет эл банклари ва молия институтлари томонидан эмиссия қилинган чет эл валютасидаги тўлов ҳужжати;

кунлик ҳужжатлар — мазкур Низомда белгиланган тартибда операция кун давомида айирбошлаш шохобчаси кассири ва назоратчиси томонидан расмийлаштирилган валюта айирбошлаш операцияларини ҳисобга олувчи ҳужжатлар;

Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош бошқармалари;

нақд чет эл валютаси — тегишли хорижий давлатда муомалада бўлган ва қонуний тўлов валютаси ҳисобланган, шунингдек олиб қўйилган ва муомаладан чиқарилган, лекин алмаштириб бериладиган, банкнот ва тангалар кўринишидаги хорижий давлатларнинг пул белгилари;

операцион кун — валюта айирбошлаш шохобчасидаги мижозларга хизмат кўрсатиладиган вақт;

пластик тўлов ва кредит картаси (кейинги ўринларда халқаро банк картаси деб юритилади) — нақд пул маблағларини олиш, товарлар ва хизматлар бўйича Ўзбекистон Республикасида ва бошқа мамлакатларда ҳисобкитоб қилиш учун ваколатли банклар томонидан эмиссия қилинган чет эл валютасидаги халқаро банк картаси (Master Card ва ҳ. к.).

2. Айирбошлаш шохобчалари фаолият кўрсатиш шартларидан қатъи назар, стационар жойлашган бўлиши лозим.

3. Айирбошлаш шохобчалари очиладиган жой ва уларнинг иш тартиби манфаатдор ташкилотлар (Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси, бош банк, ижарачи ва шу каби) билан келишилади.

4. Ваколатли банклар халқаро банк картаси бўйича конверсия қилиш (алмаштириш) йўли билан миллий валютадаги нақд пул маблағларини бериш учун банкоматлар ўрнатишлари мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсатномасига кўра ваколатли банклар валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш учун айирбошлаш шохобчаларини очадилар.

Ваколатли банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ташқарисидан, шунингдек бошқа банклар биноларида алмаштириш шохобчаларини очишга рухсат этилмайди.

6. Айирбошлаш шохобчасида қуйидаги операциялар амалга оширилади: нақд миллий валюта (сўм)ларга нақд чет эл валютасини сотиб олиш; йўл чекларини сотиб олиш;

нақд чет эл валютасини сотиш, шу жумладан, мижознинг халқаро банк картасига ўтказиб бериш;

жисмоний шахслар-резидентларнинг нақд миллий валюталарига нуфузли чет эл банклари ва молия институтлари томонидан эмиссия қилинган йўл чекларини сотиш;

норезидентларга нақд чет эл валютасини ва йўл чекларини илгари миллий валютага алмаштирилган чет эл валютаси (йўл чеклари) миқдоридан айирбошлаш шохобчасининг тасдиқловчи маълумотномасини ёки банккомат чекини, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро жорий операциялар амалга оширилиши натижасида сўмдаги маблағларнинг қонуний йўл билан олинганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда сотиш;

инкассога жўнатиш учун нақд чет эл валютасини ва йўл чекларини қабул қилиш;

ҳақиқийлигига шубҳа ўйғотадиган хорижий давлатларнинг пул белгилари ва йўл чекларини экспертизага қабул қилиш;

халқаро банк картасидан нақд чет эл валютасини бериш ёки халқаро банк картасидан чет эл валютасини ваколатли банкларнинг сотиб олиш курсига мувофиқ миллий валютада бериш;

хорижий давлатнинг йирик пул белгисини ўша давлатнинг тўловга яроқли пул белгиларига майдалаб бериш;

хорижий давлатнинг шикастланган пул белгиларини ўша давлатнинг шикастланмаган пул белгиларига алмаштириб бериш;

бир хорижий давлатнинг нақд валютасини бошқа хорижий давлатнинг нақд валютасига алмаштириш.

Айирбошлаш шохобчалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг рухсатномаларига мувофиқ, ваколатли банклар раҳбарларининг айирбошлаш шохобчалари очиш тўғрисидаги буйруқларида назарда тутилган бошқа операцияларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

7. Нақд миллий валютага нақд чет эл валютасини (йўл чекларини) сотиб олиш ва сотиш курслари чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда банклар томонидан мустақил равишда белгиланади. Чет эл валютасини айирбошлаш бўйича белгиланадиган курс ваколатли банк раҳбари буйруғи билан тасдиқланади.

Айирбошлаш шохобчаларида нақд хорижий валютани харид қилиш ва сотиш курслари ўртасидаги фарқнинг энг кўп чегараси 5 фоизгача миқдорда белгиланади.

8. Ваколатли банк томонидан операция куни давомида нақд миллий валютага нақд чет эл валютасини (йўл чекларини) сотиб олиш ва сотиш курсини ўзгартиришга рухсат этилади. Бунда, сотиб олиш ва сотишнинг ҳар бир янги курси тегишли буйруқ билан расмийлаштирилади.

9. Айирбошлаш шохобчасига ваколатли банк томонидан белгиланган нақд миллий валютага нақд чет эл валютасини (йўл чекларини) сотиб олиш ва сотиш курси тўғрисидаги ахборот етказилади. Банк бўлинмасига ахборот узатилган вақт (сана) ҳамда банк бўлинмаси томонидан ахборот олинган вақт

(сана) чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш курсининг белгиланган вақти кўрсатилган ҳолда ваколатли банкда алоҳида дафтарда қайд этилади.

10. Айирбошлаш шохобчаларида валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш мумкин бўлган чет эл валюталари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

11. Агар валюта айирбошлаш шохобчаси узлуксиз ишласа, ходимларнинг кундалик иш вақти (смена) алмашинуви қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

12. Валюта айирбошлаш операцияларини бажарилганлиги учун нақд чет эл валютасида ёки миллий валютада воситачилик ҳақи ундирилиши мумкин. Воситачилик ҳақи тарифи ваколатли банкларнинг раҳбарлари томонидан белгиланади.

13. Чет эл валютаси харид қилинаётганда ва сотилаётганда эмитент мамлакатнинг қонуний тўлов воситаси бўлган чет эл валютасининг қиймати ва банкнотлар эмиссия қилинган йил бўйича бирор бир чеклашларни жорий қилиш тақиқланади.

II. Айирбошлаш шохобчаларини рўйхатга олиш тартиби

14. Ваколатли банклар ушбу Низом талабларига зид бўлмаган ҳолда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида, ўзлари жойлашган ҳудуд ҳамда унинг ташқарисида айирбошлаш шохобчаларини очишлари мумкин.

Ваколатли банклар Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига айирбошлаш шохобчасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза беради.

Шохобча манзили қайта ўзгартирилган тақдирда, айирбошлаш шохобчасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризага қўшиб шохобчанинг ёпилганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма беради. Ариза Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига шахсан етказилади ёки буюртма почта билан жўнатилади. Бунда, почта жўнатмаси олувчига берилгани тўғрисида жўнатувчига хабар қилиниши лозим.

Ушбу почта жўнатмаси олувчига топширилгани тўғрисидаги билдиришнома ваколатли банк томонидан айирбошлаш шохобчасини рўйхатга олиш тўғрисида Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига жўнатган ариза нухасига елимлаб қўйилади.

15. Ваколатли банкнинг айирбошлаш шохобчасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризасини олганидан кейин Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси ушбу ариза олинган вақтдан бошлаб 15 иш куни ичида (кейинги ўринларда рўйхатга олиш муддати деб юритилади) рўйхатдан ўтказиш сўралган айирбошлаш шохобчасини мазкур Низомда белгиланган талабларга қанчалик мос келишини текшириши шарт.

16. Рўйхатдан ўтказиш сўралган айирбошлаш шохобчаси мазкур Низомнинг талабларига мувофиқ келган тақдирда (мувофиқлик Низомнинг XIX бўлими талабларига асосан ўтказилган айирбошлаш шохобчасини текшириш далолатномаси билан тасдиқланиши лозим), Марказий банкнинг ҳудудий Бош

бошқармаси рўйхатга олиш муддати давомида айирбошлаш шохобчасини Айирбошлаш шохобчаларини рўйхатга олиш дафтариди (кейинги ўринларда рўйхатга олиш дафтари деб юритилади) рўйхатга олади.

Рўйхатга олиш дафтари Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси томонидан мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклга асосан юритилади. Рўйхатга олиш дафтарини юритиш қоидалари мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган.

Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси айирбошлаш шохобчаси рўйхатга олинган санадан кейинги иш кунидан кечикмай ваколатли банкка кузатув хати билан бирга мазкур Низомнинг 3-иловасида кўрсатилган шаклга мувофиқ Айирбошлаш шохобчаси рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (кейинги ўринларда гувоҳнома деб юритилади) юборади. Мазкур гувоҳнома ваколатли банк манзилига шахсан тақдим этилади ёки у тақдим этилганлиги тўғрисида олувчига хабар қилинган ҳолда буюртма почта орқали юборилади.

Мазкур почта жўнатмасини олувчига топширилганлиги тўғрисидаги билдиришнома мазкур айирбошлаш шохобчаси рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги ёзув расмийлаштирилган рўйхатга олиш дафтарининг орқа томонига елимлаб қўйилади.

17. Рўйхатга олиш сўралган айирбошлаш шохобчасида мазкур Низомнинг талаблари бузилганлиги аниқланган тақдирда (талабларга мувофиқлик ҳоллари мазкур Низомнинг XIX бўлими талабларига мувофиқ айирбошлаш шохобчасида ўтказилган текширув далолатномаси билан тасдиқланган бўлиши лозим), Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси рўйхатдан ўтказилиши сўралган айирбошлаш шохобчасини рўйхатдан ўтказилмаслик сабабини кўрсатган ҳолда ваколатли банкка хабар қилиши шарт. Рўйхатга олиш сўралган айирбошлаш шохобчасини рўйхатдан ўтказмаслик сабаблари кўрсатилган хат уни рўйхатга олишни сўраган ваколатли банкка рўйхатга олиш муддати давомида шахсан топширилиши ёки буюртма почта орқали юборилиши лозим. Ушбу хатнинг олувчига топширилганлиги ҳақидаги билдиришнома Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасида ваколатли банкнинг айирбошлаш шохобчасини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризасига елимлаб қўйилади.

18. Ваколатли банк рўйхатга олиш муддати мобайнида гувоҳнома ёхуд айирбошлаш шохобчаси рўйхатга олинмаслиги сабаблари кўрсатилган хатни олмаса, у рўйхатга олиш муддати тугаган санадан бошлаб 5 иш куни ичида бу ҳақда ваколатли банк жойлашган ҳудуддаги Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига хат юбориши, хатнинг нусхасини эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига жўнатиши керак. Мазкур билдиришнома шахсан тақдим қилинади ёки у топширилганлиги тўғрисида хабар қилиш шarti билан буюртма почта орқали жўнатилади. Мазкур жўнатмалар олувчига топширилганлиги тўғрисидаги билдиришнома ваколатли банк томонидан Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига юборилган айирбошлаш шохобчасини рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза нусхасига елимлаб қўйилади.

19. Ваколатли банк бир неча айирбошлаш шохобчасини рўйхатга олиш тўғрисида Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига ариза бериши мумкин. Бунда, ушбу Низом талабларига риоя этилиши шарт.

20. Гувоҳнома йўқолганда ваколатли банк 10 иш куни мобайнида Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

гувоҳноманинг йўқолиш сабаби ва ҳолати баён этилган ариза;

гувоҳноманинг йўқолгани (ўғирланганини) тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси.

Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси 10 иш куни давомида банкка гувоҳноманинг дубликати беради. Гувоҳноманинг дубликати «Дубликат» сўзи ва гувоҳноманинг дубликати берилган сана ёзилган ҳолда берилади.

III. Айирбошлаш шохобчаларини рўйхатга олиш билан боғлиқ бўлган ишларни юритиш

21. Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ваколатли банкларнинг айирбошлаш шохобчаларини рўйхатга олиш ва улар фаолияти билан боғлиқ бўлган ёзишмалар ҳамда материалларни алоҳида йиғмажилдларда юритишлари шарт.

22. Айирбошлаш шохобчаларини рўйхатга олиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар, жумладан, ёзишмалар, шунингдек айирбошлаш шохобчаларини текшириш далолатномалари ва материаллари Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси ва ваколатли банкларнинг архивида камида 5 йил сақланади.

IV. Айирбошлаш шохобчалари ишини ташкил этиш

23. Айирбошлаш шохобчаси ваколатли банк раҳбарининг буйруғига асосан очилади.

Айирбошлаш шохобчасини очиш тўғрисидаги буйруқда айирбошлаш шохобчасининг манзили кўрсатилади, айирбошлаш шохобчаси ходимлари штати, айирбошлаш шохобчаси фаолиятига раҳбарлик қилувчи ва уни назорат қилувчи мансабдор шахслар белгиланади, айирбошлаш шохобчаси бажарадиган операциялар рўйхати қайд этилади.

Айирбошлаш шохобчасини очиш тўғрисидаги буйруқда ваколатли банк раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа талаблари ҳам белгиланиши мумкин.

24. Айирбошлаш шохобчаси мижозлар танишиши учун қулай бўлган ерда жойлашиши ҳамда қуйидаги маълумотлар ва ҳужжатлардан иборат бўлган пештахта билан жиҳозланиши лозим:

нақд миллий валютага нақд чет эл валютасини ва йўл чекларини сотиб олиш ва сотиш курслари тўғрисида;

айирбошлаш шохобчасининг иш тартиби тўғрисида;

мазкур айирбошлаш шохобчасида амалга ошириладиган валюта айирбошлаш операциялари турлари ҳақида;

пул белгиларини ҳақиқийлиги ва тўловга яроқлилиги белгиларини аниқлаш қоидалари тўғрисида;

валюта айирбошлаш операциялари бажарилгани учун ундириб олинган воситачилик ҳақи тўғрисида;

яқин атрофда жойлашган айирбошлаш шохобчаларнинг манзили тўғрисида;

айирбошлаш шохобчасига берилган гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси.

25. Айирбошлаш шохобчасида операциялар бажариш чоғида бир вақтнинг ўзида икки нафар ходим — айирбошлаш шохобчасининг назоратчиси ва кассири ишлаши ҳамда улар ваколатли банкнинг махсус кийими (униформа) билан таъминланган бўлиши лозим.

Айрим ҳолларда, ваколатли банк раҳбарининг буйруғига кўра ваколатли банкнинг энг тажрибали, махсус йўл-йўриқлар олган кассирлари айирбошлаш шохобчасига вақтинча ишлаш учун жалб этилиши мумкин.

26. Ваколатли банклар айирбошлаш шохобчаларининг ишлаш шароитига қараб, унинг қўриқланишини, тегишли равишда жихозланишини таъминлайдилар, айирбошлаш шохобчаси бошқа хизматлардан алоҳида ажратилган, ўтга чидамли пўлат сандиқлар (сейфлар), телефон алоқаси, қўриқчилар ва ёнғиндан сақлаш сигнализацияси, валютанинг ҳақиқийлигини аниқлайдиган детектор ёки тестер ва бошқа замонавий жихозлар, нусха кўпайтирувчи аппарат, ҳисоблаш ва тегишли дастурий таъминотга эга бўлган компьютер техникаси, унинг он-лайн тартибида ишлайдиган ягона электрон тизимига уланганлиги, шунингдек барча зарур йўриқномалар, назорат ва маълумот материаллари билан таъминланган бўлиши керак.

Айирбошлаш шохобчасининг майдони камида 3 м², баландлиги 2-2,25 м дан кам бўлмаслиги, айирбошлаш шохобчасида вентиляция, қишки ва ёзги мавсумга мўлжалланган кондиционер ва видеокузатув дастурлари бўлиши ҳамда айирбошлаш шохобчаси тўғрисида (ойначасининг) эни ва бўйи 30 см дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Айирбошлаш шохобчасида тегишли шахсларни айирбошлаш шохобчаси кассири ёки назоратчиси лавозимига тайинлаш тўғрисида ваколатли банк бўйича буйруқдан кўчирма бўлиши керак. Кўрсатиб ўтилган ваколатли банк бўйича буйруқдан кўчирма ваколатли банк раҳбари томонидан имзоланган ва ваколатли банкнинг юмалоқ муҳри билан тасдиқланган бўлиши зарур.

Кассир ва назоратчи айирбошлаш шохобчасида ишлаётганида лавозими кўрсатилган хизмат гувоҳномаларини доимо ўзлари билан олиб юришлари керак.

Бегона шахсларнинг айирбошлаш шохобчасига кириши тақиқланади.

27. Мазкур Низом 6-бандининг иккинчи — олтинчи ва ўн иккинчи хатбошиларида келтирилган операциялар компьютерда қайд этилади. Айирбошлаш шохобчаларидаги компьютерларда ўрнатилган дастурлар Ўзбекистон

Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши шарт.

28. Нақд чет эл валютасини ва йўл чекларини сотиш ёки халқаро банк картасига чет эл валютасини ўтказиб бериш орқали сотишни амалга оширувчи айирбошлаш шохобчалари он-лайн режимидаги ягона электрон компьютер тизимида уланган бўлиши керак.

Компьютер ёки компьютер дастури носоз бўлган ҳолларда айирбошлаш шохобчаси орқали нақд чет эл валютасини, йўл чекларини сотиш ёки халқаро банк картасига сотилган чет эл валютасини ўтказиб бериш бўйича операцияларни амалга ошириш қатъиян ман этилади, нақд чет эл валютасини ёки йўл чекларини сотиб олиш бўйича операциялар (айирбошлаш шохобчалари томонидан нақд чет эл валютасини сотиб олиш операцияси энг кам иш ҳақи миқдорининг 1000 баробарига тенг бўлган ёки ундан ошган ҳолларда бундан мустасно) қўлда бажарилади.

29. Айирбошлаш шохобчаларида ишлаш учун одатда етарли тажрибага эга ва бир ёки бир нечта чет тилларни биладиган штат ходимлари тайинланади. Чет тилларни ҳамда компьютерда ишлашни билмайдиган ходимлар учун ўқиш ташкил этилади. Айирбошлаш шохобчаларининг ходимлари билан шахсий моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилади.

Айирбошлаш шохобчасининг кассири ва назоратчиси ишга қабул қилинаётганда ваколатли банк раҳбари уни иш жойидан, доимий яшаш жойидан, шунингдек ички ишлар бўлиmidан маълумотномалар олиш йўли билан пухта текширади. Кассир ва назоратчини ишга қабул қилиш ваколатли банк бўйича чиқариладиган буйруқ билан расмийлаштирилади. Зарурат туғилганда ходим, ишга синов муддати билан қабул қилинади.

Яқин қариндошларнинг бир айирбошлаш шохобчасининг ўзида кассир ва назоратчи бўлиб ишлаши тақиқланади.

Айирбошлаш шохобчасининг ходимлари йилига бир марта Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларида аттестациядан ўтишлари шарт.

Айирбошлаш шохобчаси ваколатли банк биносидан ташқарида жойлашган шароитда айирбошлаш шохобчасига ўзлари билан энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги шахсий пулларни олиб киришлари мумкин. Бунда, улар иш куни бошланишидан олдин айирбошлаш шохобчасининг Шахсий пулларни рўйхатга олиш дафтарида шахсий маблағлар миқдорини қайд этишлари шарт.

30. Айирбошлаш шохобчасининг ҳар бир ходимига фамилияси кўрсатилган бурчак муҳри, айирбошлаш шохобчасининг назоратчисига эса ваколатли банк номи, рўйхатга олиш рақами ва айирбошлаш шохобчасининг манзили ёзилган муҳр бириктириб қўйилади.

Муҳрлар ваколатли банк раҳбари ёки унинг буйруғи билан тайинланган, қимматликлар билан операциялар олиб боришдан озод этилган шахс томонидан юритилган «муҳрлар ҳисоби ва ҳаракатини юритиш дафтари»га имзо чектирилган ҳолда берилади.

31. Айирбошлаш шохобчалари ходимлари бурчак муҳрлари ва қатъий ҳисобда турувчи бланкларнинг тегишлича сақланишини таъминлашлари шарт.

Айирбошлаш шохобчасида ишдан ташқари вақтда нақд чет эл валюта-си, йўл чеклари, қатъий ҳисобда турувчи бланклар, муҳрлар, шунингдек нақд миллий валютани сақлаш тақиқланади.

32. Айирбошлаш шохобчаси кассирига қимматликлар солинган халталарни тамғалаш учун пломбир берилади. Унинг плашкасида айирбошлаш шохобчасининг рўйхат рақами ва қисқартирилган номи қайд этилади. Пломбир ваколатли банкнинг раҳбари ёки буйруқ билан белгиланган ходимда сақланадиган дафтарга имзо чектирилган ҳолда берилади.

Пломбир изи намунасининг инкассация бўлими (участкаси) бошлиғи ва ваколатли банкнинг касса мудирини тасдиқлаган бир нусхаси айирбошлаш шохобчаси кассирига берилади. Бу намуна қимматликлар солинган халталар олинаётганда инкассаторга кўрсатилади.

Ушбу намунанинг иккинчи нусхаси ваколатли банкнинг кечки кассасига берилади.

33. Ваколатли банк раҳбарияти айирбошлаш шохобчаларининг янги ишга қабул қилинган ходимларини банкка етказилган зарар учун моддий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бандлари, шунингдек қимматларни сақлаш, қабул қилиш, бериш, улар билан ишлаш, қайта санаш ва ташишга доир йўриқномалар ҳамда қоидалар, валюта айирбошлаш операцияларини ўтказиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартиби билан таништириши шарт.

Ваколатли банклар айирбошлаш шохобчалари ходимларига қалбаки пул белгиларини аниқлаш усулларини ўргатиш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ташкил қилади.

Айирбошлаш шохобчаларига янги ишга қабул қилинган ходимларнинг юқорида кўрсатилган қоида ва йўриқномаларни билишларига ишонч ҳосил қилиш учун Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларида синов (тест синови) ташкил қилинади.

Ўқув курслари тугагач ва синовлар (тест синови) ўтказилгач, ходимларга ўқув курсларини тамомлаганликлари ва синовдан (тест синовидан) ўтганликлари тўғрисида тегишли ҳужжат берилади. Унинг нусхаси айирбошлаш шохобчаси ходимининг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдига тикиб қўйилади.

V. Айирбошлаш шохобчаларини ёпиш тартиби

34. Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси гувоҳномани бекор қилиши рўйхатга олинган айирбошлаш шохобчасининг ёпилишига олиб келади. Гувоҳнома бекор қилинганда бу ҳақда рўйхатга олиш дафтарига ёзиб қўйилади.

35. Гувоҳномани бекор қилиш тўғрисидаги ёзув рўйхатга олиш дафтарида қуйидагилар асосида қайд этилади:

ваколатли банкнинг рўйхатга олинган айирбошлаш шохобчасида валюта айирбошлаш операцияларини тўхтатиш тўғрисида ёзма аризаси;

Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси ушбу Низомнинг XIX бўлимига мувофиқ айирбошлаш шохобчасида ўтказилган текшириш далолатно-

малари ва материаллари асосида, шу жумладан, мазкур айирбошлаш шохобчаси Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси кўрсатмаларини бажармаган ҳолларда ваколатли банк томонидан рўйхатга олинган айирбошлаш шохобчасини ёпиш тўғрисида чиқарган буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ваколатли банкнинг валюта операцияларини ўтказиш учун берилган лицензиясининг нақд чет эл валютаси билан операциялар ўтказиш қисми амал қилинишини тўхтатиб қўйиш тўғрисида чиқарган тегишли ҳужжатлари ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа асослар.

36. Гувоҳномани бекор қилиш тўғрисидаги ёзув рўйхатга олиш дафтарида Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси томонидан ушбу Низомнинг 35-банди иккинчи — тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳужжатлар олинган санадан кейинги иш кунидан кечикмаган ҳолда қайд этилади.

37. Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси гувоҳнома бекор қилинганлиги тўғрисида рўйхатга олиш дафтарида ёзув киритилган куннинг ўзида ваколатли банкка хабар бериши шарт. Билдиришнома банкка шахсан ёки буюртма почта орқали юборилади. Мазкур почта жўнатмасини олувчига тақдим этилганлиги тўғрисидаги билдиришнома тегишли айирбошлаш шохобчаси рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги ёзув қайд этилган рўйхатга олиш дафтари варағининг орқа томонига елимлаб қўйилади.

Ваколатли банк Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасининг билдиришномасини олган куни рўйхатга олинган айирбошлаш шохобчасини ёпиши шарт.

VI. Қатъий ҳисобда турувчи бланклардан фойдаланишга доир умумий талаблар

38. Валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширишда қатъий ҳисобда турувчи бланклардан фойдаланилади.

Қатъий ҳисобда турувчи бланклар ваколатли банкнинг пул омборида сақланади ва 09001-сон талабнома (мазкур Низомга 4-илова) бўйича айирбошлаш шохобчалари ходимларига берилади.

39. Қуйидагилар қатъий ҳисобда турувчи бланклар ҳисобланади:

09002-сон маълумотнома (мазкур Низомга 5-илова);

09004-сон квитанция (мазкур Низомга 7-илова);

09005-сон квитанция (мазкур Низомга 8-илова);

09006-сон рухсатнома (мазкур Низомга 9-илова);

09007-сон маълумотнома (мазкур Низомга 10-илова);

09012-сон квитанция (мазкур Низомга 22-илова);

09015-сон квитанция (мазкур Низомга 17-илова).

40. Қатъий ҳисобда турувчи бланклар ваколатли банкларнинг буюртмаларига асосан «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланади. Унда ҳар бир нусханинг юқори чап бурчагида ваколатли банкнинг тўлиқ номи ёзилади ва у зарур ҳимоя даражаларига эга бўла-

ди. Бунда, ҳар бир бланк серияга, бир хил тартиб рақамига ва ваколатли банк эмблемасига эга бўлган ҳолда икки нусхадан иборат бўлади.

Қатъий ҳисобда турмайдиган бланклар ваколатли банклар томонидан мустақил равишда тайёрланади.

Қатъий ҳисобда турувчи бланкларни қалбакилаштириш қонун бўйича таъкиб қилинади.

41. Қатъий ҳисобда турувчи бланкларни сақлаш «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида валюта бойликлари билан касса ишларини амалга ошириш тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 468, 1998 йил 3 август), «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома» (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 26-27-сон, 258-модда) ва «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» (рўйхат рақами 1834, 2008 йил 11 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28-сон, 276-модда) асосида амалга оширилади.

42. Валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширмай туриб қатъий ҳисобда турувчи бланкларни расмийлаштириш ва бериш тақиқланади.

43. Ваколатли банк томонидан қатъий ҳисобда турувчи бланкларни расмийлаштириш ва бериш учун воситачилик ҳақи, шунингдек жисмоний шахслардан бошқа тўловларни ундириш тақиқланади.

44. Қатъий ҳисобда турувчи бланклар ва реквизитларнинг тўлдирилган матнларига ўзгартиришлар киритишга рухсат этилмайди. Қатъий ҳисобда турувчи бланклардаги айирбошлаш шохобчасининг реквизитлари, ушбу маълумотномани берган ваколатли банк номи ёки айирбошлаш шохобчаси муҳрининг изи яхши ўқилмаса, шунингдек бланкларда тузатишлар мавжуд бўлса ёки маълумотномани тўлдиришнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган тартибига риоя қилинмаган бўлса, ушбу бланклар ҳақиқий ҳисобланмайди.

45. Бузилган қатъий ҳисобда турувчи бланклар унинг икки нусхасида бланкнинг бутун майдони бўйича «Z» лотин ҳарфини қўйиш йўли билан бекор қилинади, кассир ва назоратчи имзоси билан тасдиқланади, 09009-сон ҳисоботда қайд этилади ва операция кун охирида бошқа кунлик ҳужжатлар билан бирга ваколатли банкка етказилади.

46. Тўлдирилган ва бузилган (бекор қилинган) қатъий ҳисобда турувчи бланклар нусхалари ваколатли банкнинг архивига топширилганидан сўнг 5 йил давомида сақланиши шарт.

VII. Айирбошлаш шохобчаларини пул бўнаклари, йўл чеклари ва қатъий ҳисобда турувчи бланклар билан таъминлаш

47. Ваколатли банклар айирбошлаш шохобчалари ходимларини иш бошланишидан олдин миллий валютадаги ва чет эл валютасидаги бўнаклар, йўл

чеклари, қатъий ҳисобда турувчи бланклар ва бошқа бланклар билан таъминлайди.

48. Ваколатли банклар ҳар бир айирбошлаш шохобчасига кун давомида ёки ваколатли банк белгиланган вақт давомида ишлашини таъминлаш учун зарур ҳажмда миллий валюта ва чет эл валютасидаги, шунингдек йўл чекларида бўнак лимитини белгилайди. Бу лимит айирбошлаш шохобчаси дам олиш ва байрам кунларида ҳамда бошқа зарур ҳолларда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун оширилиши мумкин.

Бўнак лимити ваколатли банк бўйича буйруқ ёки ваколатли банк раҳбарининг алоҳида фармойишига кўра белгиланади. Бунда, раҳбарга ваколатли банк бўйича чиқарилган буйруққа асосан ушбу ҳуқуқ берилган бўлиши лозим.

Бўнакнинг лимити айти шу тартибда ўзгартирилиши мумкин.

Ҳисоб бериш шарти билан айирбошлаш шохобчалари ходимларига берилган бўнак суммаси ваколатли банк айланма кассасининг лимитига қўшилмайди.

49. Айирбошлаш шохобчаси ходимлари миллий валюта, нақд чет эл валютаси ва қатъий ҳисобда турувчи бланкларни олиш учун ваколатли банкка икки нусхада 09001-сон талабномаларни беради. Талабноманинг биринчи нусхаси ваколатли банкнинг кассасида қолади, иккинчи нусхаси эса кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади. Зарурат туғилганда кун давомида қўшимча олинган бўнакка 09001-сон талабнома ёки аванс талабномаси тўлдирилади.

50. Айирбошлаш шохобчасини иш бошланишидан аввал миллий валюта, чет эл валютаси, йўл чеклари ва бошқа қимматликлар билан таъминлаш ёки унга иш куни давомида қўшимча пул келтириш инкассаторлар зиммасига юклатилади.

Бунинг учун ваколатли банкнинг ҳисоб-операция ходими айирбошлаш шохобчаси талабномаси ва тегишли касса ва балансдан ташқари ордерлар асосида уч нусхадаги рўйхатни тузади. Уларнинг ҳар бирига банкнинг моддий жавобгар шахси имзо чекади.

Моддий жавобгар шахслар айирбошлаш шохобчасига жўнатиш учун тайёрланган қимматликлар рўйхатининг биринчи нусхаси билан бирга инкассация халтасига жойлайдилар, шундан сўнг халта тамғаланади.

Ҳар бир айирбошлаш шохобчасига бириктирилган инкассация халтасида унинг рўйхат раками, шунингдек айирбошлаш шохобчасининг номи ёзилади.

51. Қимматликлар билан бирга рўйхатнинг биринчи нусхалари солиниб, тамғаланган халталар белгиланган тартибда инкассаторга берилади. Улар бу ҳақда шу рўйхатларнинг иккинчи нусхасига имзо чекадилар.

52. Қимматликлар солиниб, инкассаторлар томонидан келтирилган халталар айирбошлаш шохобчаси кассири томонидан назоратчи иштирокида қабул қилинади. Бунда, халтанинг тамға урилган тизимчасининг бутлиги ва тамға изининг аниқлиги синчиклаб текширилади.

Айирбошлаш шохобчасининг кассири халтани очаётганида ва унга со-

линг қимматликларни текшираётганида унинг ёнида назоратчи ва инкассатор туриши шарт.

Айирбошлаш шохобчасининг кассири ва назоратчиси қимматликлар солинган халтани олганлиги тўғрисида рўйхатнинг иккинчи нусхасига имзо чекиб, айирбошлаш шохобчасининг муҳри билан тасдиқлайдилар. Рўйхатнинг иккинчи нусхаси бўшатиладиган халтача билан бирга кейинчалик ваколатли банкнинг касса мудирига бериш учун инкассаторга қайтарилади.

53. Ваколатли банкнинг касса мудирининг рўйхатнинг учинчи нусхасини иккинчи нусхаси билан таққослаш орқали инкассаторлар қимматликлар солинган халталарни айирбошлаш шохобчаларига тўла-тўқис олиб келганини текширади.

54. Ваколатли банкларда моддий жавобгар шахсларнинг банклардаги иши айирбошлаш шохобчалари иши бошланадиган вақтга тўғри келмайдиган ҳолларда айирбошлаш шохобчаларига қўшимча нақд миллий валюта, чет эл валютаси ва бошқа қимматликларни етказиб бериш вазифаси шу мақсадлар учун махсус ажратилган тажрибали касса ва бухгалтерия ходимлари зиммасига юклатилади. Бунда, касса мудирининг томонидан қимматликлар ҳисобот бериш шартининг билан уларга топширилади ва қуроли соқчилар ҳамроҳлигида айирбошлаш шохобчаларига етказилади.

55. Айрим ҳолларда айирбошлаш шохобчасининг кассири тегишли чиқим ордерларига имзо чеккан ҳолда қимматликларни олади ҳамда қимматликлар ва қатъий ҳисобда турувчи бланкларни уларнинг тури бўйича бирма-бир санаб чиқади. Шундан сўнг, уларни сумка ёки чамадонга жойлаб, қуроли соқчилар ҳамроҳлигида айирбошлаш шохобчасига етказиб беради.

Агар айирбошлаш шохобчасининг ишида қимматликлар айланиши катта бўлса, кассир қимматликларни ҳамда қатъий ҳисобда турувчи бланкларни олдиндан олиб, тайёрлаб қўяди. Бунда, кассир томонидан қимматликлар солиниб тамғаланган қоп тегишли омборда сақлаш учун ваколатли банкка топширилади.

VIII. Нақд чет эл валютасини сотиб олишга доир операцияларни бажариш ва уларни расмийлаштириш

56. Айирбошлаш шохобчалари жисмоний шахс бўлган резидентлардан ва норезидентлардан нақд чет эл валютасини ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини сотиб олади.

Айирбошлаш шохобчалари томонидан энг кам иш ҳақи миқдорининг 1000 баробарига тенг бўлган ёки ундан ошган эквивалентдаги нақд чет эл валютасини сотиб олиш операцияси резидентлардан паспорт (Ўзбекистон Республикасида яшаш рухсатномаси, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари учун ҳарбий билет ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжат), норезидентлардан паспорт тақдим этилганда амалга оширилади.

Резидент ва норезидентлардан энг кам иш ҳақи миқдорининг 1000 баробарига тенг бўлган ёки ундан ошган эквивалентдаги нақд чет эл валютасини ва йўл чекларини сотиб олиш бўйича операциялар, уларнинг паспорт

маълумотларини он-лайн режимидаги ягона электрон компьютер тизимида киритиш орқали амалга оширилади.

57. Накд чет эл валютасини ва чет эл валютасидаги йўл чекларини нақд миллий валютага сотиб олиш бўйича операциялар нақд миллий валютага сотиб олинган чет эл валютаси ва йўл чеклари ҳисобини юритиш рўйхати билан 09003-сон шакл (мазкур Низомга 6-илова) бўйича расмийлаштирилади.

58. Накд чет эл валютаси сотиб олинаётганда 09002-сон маълумотнома икки нусхада тўлдирилади. 09002-сон маълумотнома икки нусхада тўлдириш нусха кўчириш қоғози (лазер принтердан фойдаланиш) орқали амалга оширилади. Бунда, нусха кўчириш қоғози биринчи нусханинг орқа томони ва иккинчи нусханинг олд томонлари ўртасига қўйилади.

Нақд чет эл валютаси резидентлардан сотиб олинаётганда мижозларга 09002-сон маълумотноманинг иккинчи нусхаси берилади. У валюта айирбошлаш шохобчаси томонидан сотиб олинганлигини тасдиқлайди, бироқ, у сарфланмаган сўмларни чет эл валютасига қайта алмаштириш ҳуқуқини бермайди. Биринчи нусхаси эса (топширилаётган валюта суммаси энг кам иш ҳақининг 1000 баробарига тенг бўлган ёки ундан ошган ҳолатда мижознинг паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш рухсатномаси, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари учун ҳарбий билет ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси билан) кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

Норезидентлардан чет эл валютаси четдан олиб келинганлигини тасдиқловчи божхона декларацияси мавжуд бўлган ҳолда улардан нақд чет эл валютаси сотиб олинса, уларга 09002-сон маълумотноманинг биринчи нусхаси берилади (декларацияда кўрсатилган валюта миқдоридан ошмаган суммада). Бу маълумотнома сарфланмаган сўмларни нақд чет эл валютасига қайта алмаштириш ҳуқуқини беради. Бунда, маълумотноманинг иккинчи нусхаси норезидентнинг паспорт нусхаси билан кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади, божхона декларациясида валюта алмаштирилганлиги тўғрисида белги қўйилади.

Норезидентлардан божхона декларациясида кўрсатилган суммадан кўпроқ нақд чет эл валютаси сотиб олинганда уларга 09002-сон маълумотноманинг иккинчи нусхаси берилади.

09002-сон маълумотноманинг ҳар иккала нусхаси айирбошлаш шохобчаси кассири ва назоратчиси ҳамда мижоз томонидан имзоланади.

59. 09002-сон маълумотномалар 09003-сон реестрга илова қилинади ва у ҳисобот тузиш учун асос бўлади ва кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

IX. Йўл чекларини сотиб олишга доир операцияларни бажариш ва уларни расмийлаштириш

60. Айирбошлаш шохобчалари ваколатли банклар ва эмитент ҳамда эмитент бўлмаган хорижий банклар ўртасида тузилган банклараро битимда қайд этилган тартибда ва шартларда йўл чекларини тўлашлари мумкин.

Бунда, ваколатли банкларда назорат материаллари (йўл чеклари нусхалари, ҳақ тўлаш қоидалари) мавжуд бўлиши керак.

61. Йўл чекининг матнида йўл чеки номи, эмитент банк номи, унинг ваколатли мансабдор шахслари имзолари, эмитент банкнинг чет эл валютаси ёки миллий валютадаги муайян суммани тўлаш тўғрисидаги мажбуриятлари, шунингдек чекни тўлаш пайтида чек эгаси қўйган имзоси намунаси кўрсатилади.

62. Муайян амал қилиш муддати белгиланган йўл чеклари ушбу муддат давомида тўланади. Муддати ўтган чеклар ёки банклараро битимда кўзда тутилмаган эмитент банк чеклари ваколатли банклар томонидан фақат инкассога қабул қилиниши мумкин.

63. Ваколатли банклар чет эл банкларининг йўл чекларида шакли, реквизитлари ва уларни тўлаш тартибида юз берган ҳар бир ўзгаришларни кузатиб боради ва ўз бўлимларига ахборот хатлари орқали хабар қилади. Бу ахборот хатлари чет эл банкларининг назорат материаллари (йўл чеклари намуналарини ва уларни тўлашга доир йўриқномалар) билан бирга маълумотлар тўпламида сақланади. Назорат материаллари «Бекор қилинди, асос: «___» _____ 20___даги ___-сон ахборот хати» деган ёзув қўйилган ҳолда йўқ қилинади. Шундан сўнг кўрсатилган материаллар тегишли чет эл банкнинг маълумотлар тўплamidан чиқарилиб олинади ва йўл чекларини тўлаш бўйича бекор қилинган материаллар йиғмажилдига қўшиб қўйилади.

64. Йўл чеклари резидентларга паспорт тақдим этганларида уларнинг хоҳишларига кўра чет эл валютасига ёки миллий валютага алмаштириб берилади.

Бунда, йўл чекларининг миллий валютага алмаштирилиши операция амалга ошириладиган санадаги айирбошлаш шохобчаси курси бўйича амалга оширилади ва мижозга 09002-сон маълумотноманинг иккинчи нусхаси берилади, биринчи нусхаси эса кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

Йўл чекларининг чет эл валютасига алмаштириш операцияси амалга оширилганда мижозга 09015-сон маълумотноманинг иккинчи нусхаси берилади, биринчи нусхаси эса кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

65. Йўл чекларини норезидентларга паспорт тақдим этганларида, уларнинг хоҳишларига кўра чет эл ёки миллий валютага алмаштириб берилади.

Норезидентларга йўл чекларини миллий валютага алмаштирилаётганда, уларда йўл чеклари четдан олиб келинганлигини тасдиқловчи божхона декларацияси мавжуд бўлган тақдирда улар томонидан сарфланмай қолган сўмларни қайта айирбошлаш ҳуқуқини берувчи 09002-сон маълумотноманинг (декларацияда кўрсатилган йўл чеклари суммасидан ошмаган суммада) биринчи нусхаси берилади. Бунда, божхона декларациясида алмаштирилган суммаси қайд этилиб, айирбошлаш шохобчасининг муҳри босилади ва ундан нусха олиниб, маълумотноманинг иккинчи нусхаси билан бирга кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

Норезидентларга декларацияларида кўрсатилган йўл чеклари суммасидан ошган суммага 09002-сон маълумотноманинг иккинчи нусхаси берилади.

66. Йўл чеклари фақат дастлабки эгасига, чекда унинг имзосининг на-

мунаси мавжуд бўлган тақдирда, паспорт тақдим этилган ҳолда тўланади. Йўл чеклари тўлиқ сумма бўйича тўланади, чекларни қисман сумма бўйича тўлашга рухсат берилмайди.

Йўл чекларини чет эл валютасига айирбошлаш бўйича операциялар 09016-сон (мазкур Низомга 18-илова) рўйхатда расмийлаштирилади. Бунда, 09015-сон квитанция икки нусхада тўлдирилади. 09015-сон квитанциянинг иккинчи нусхаси нусха кўчириш қоғози қўйилган ҳолда тўлдирилади. 09015-сон квитанциянинг ҳар иккала нусхаси айирбошлаш шохобчаси назоратчиси, кассири ва мижоз томонидан имзоланади. Квитанциянинг биринчи нусхаси мижозга берилади, иккинчи нусхаси эса 09016-сон рўйхатга илова қилиниб, у билан бирга ҳисобот тузишда асос ҳисобланади ва кунлик ҳужжатларга тикилади.

67. Айирбошлаш шохобчалари йўл чекларини сотиб олиш ва сотиш худди нақд чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш операцияларидагидек расмийлаштирилади.

Айирбошлаш шохобчалари томонидан энг кам иш ҳақининг 1000 баробарига тенг бўлган ёки ундан ошган эквивалентдаги йўл чекларини сотиб олиш операцияси резидентлардан паспорт (Ўзбекистон Республикасида яшаш рухсатномаси, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари учун ҳарбий билет ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжат), норезидентлардан паспорт тақдим этилган ҳолда амалга оширилади.

Резидент ва норезидентлардан энг кам иш ҳақи миқдорининг 1000 баробарига тенг бўлган ёки ундан ошган эквивалентдаги нақд чет эл валютасини ва йўл чекларини сотиб олиш бўйича операциялар, уларнинг паспорт маълумотларини он-лайн режимидаги ягона электрон компьютер тизимига киритиш орқали амалга оширилади.

68. Мижоздан йўл чеки қабул қилиб олинаётганда ушбу чекнинг мавжуд намуналар билан бир хиллиги, чек эгаси имзосининг мунаси ҳамда бу чек йўқолган ва қалбаки чеклар рўйхатида қайд этилган ёки этилмаганлиги текширилади.

Чекнинг тўловга яроқлилиги ва намунага мослиги аниқланганидан сўнг ходим мижозга ўзининг ҳузурида чекнинг махсус ажратилган жойига имзо чекишни таклиф этади.

Агар мижознинг имзоси чекдаги намуна имзосига мос келмаса, банк ходими унга чекнинг орқасига бир неча марта имзо чекишни таклиф этади, агар ушбу имзолар намунага мос келмаса, паспортдаги имзо мунаси билан қиёслайди. Агар чекдаги имзо намунаси паспортдаги имзо билан бир хил бўлса, банк ходими паспорт реквизитларини чекнинг орқа томонига ёзиб қўяди ҳамда имзони тасдиқлайди ва чекни тўлайди. Акс ҳолда, чек банк бўлими орқали фақат инкассога қабул қилиниши мумкин.

69. Тўланган йўл чеклари мавжуд келишувга мувофиқ текшириш ва тўловга қабул қилиш учун илова хатлари билан бирга эмитент банкларга юборилади.

Х. Резидентларга нақд чет эл валютасини ва йўл чекларини сотишга доир операцияларни бажариш ва расмийлаштириш

70. Айирбошлаш шохобчалари жисмоний шахс бўлган резидентларга нақд чет эл валютасини нақд кўринишда ёки уларнинг номига очилган халқаро банк карталарига ўтказиб бериш орқали сотади.

Резидентларга нақд чет эл валютасини ва йўл чекларини сотиш ҳамда айирбошлаш шохобчаси орқали сотилган чет эл валютасини уларнинг номига очилган халқаро банк карталарига ўтказиб бериш бўйича операциялар уларнинг паспорт маълумотларини он-лайн режимдаги ягона электрон компьютер тизимига киритиш орқали амалга оширилади.

71. Чет эл валютаси халқаро банк картасига ўтказиб бериш орқали сотилганда, халқаро банк картаси тўғрисидаги маълумотлар он-лайн режимдаги ягона электрон компьютер тизимига киритиш орқали амалга оширилади ва 09017-сон реестрда (мазкур Низомга 19-илова) акс этирилади.

72. Айирбошлаш шохобчаларида резидентларга нақд чет эл валютасини ва йўл чекларини сотиш паспорт (Ўзбекистон Республикасида яшаш рухсатномаси, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари учун ҳарбий билет ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим этилганда амалга оширилади. Паспортда унинг эгасининг имзоси ва паспорт берган масъул шахснинг имзоси бўлиши лозим.

73. Айирбошлаш шохобчаси орқали халқаро банк картасига чет эл валютасини ўтказиб бериш орқали сотилган чет эл валютаси ваколатли банк томонидан эмиссияланган халқаро банк карталарига оид ҳисобварақларга кириш қилиниши учун резидент жисмоний шахсларнинг аризаси ҳамда кириш ордери асосида амалга оширилади, кейинчалик халқаро банк карталарига кириш қилинади. Бунда, кириш ордерининг бир нусхаси мижозга қайтариб берилади.

Айирбошлаш шохобчаси орқали халқаро банк картасига ўтказиб бериш йўли билан сотилган нақд чет эл валютаси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ваколатли банкларнинг валюта айирбошлаш шохобчаларида ўрнатилган терминаллардан ваколатли банкларнинг сотиб олиш курсига мувофиқ миллий валютада ечиб берилади.

74. Нақд чет эл валютасини нақд миллий валютага сотиш бўйича операциялар нақд миллий валютага сотилган нақд чет эл валютаси ва йўл чекларини ҳисобини юритиш бўйича 09008-сон дафтарида (мазкур Низомга 11-илова) расмийлаштирилади.

75. Резидентларга нақд чет эл валютасини сотишда икки нусхада 09007-сон маълумотнома тўлдирилади. 09007-сон маълумотнома нусха кўчириш қоғози қўйилган (ёки лазер принтердан фойдаланган) ҳолда тўлдирилади. Бунда, нусха кўчириш қоғози биринчи нусханинг орқа томони ва иккинчи нусханинг олд томони ўртасига қўйилади. 09007-сон маълумотноманинг иккала нусхаси айирбошлаш шохобчаси кассири ва назоратчиси ҳамда мижоз томонидан имзоланади.

76. Нақд чет эл валютасини мижозга сотишда мазкур жисмоний шахсга айирбошлаш шохобчаси томонидан валюта сотилганлигини тасдиқловчи 09007-сон маълумотноманинг биринчи нусхаси берилади.

09007-сон маълумотноманинг иккинчи нусхаси 09008-сон дафтарга илова қилинади, у ҳисобот тузишда асос ҳисобланади ва кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

77. Нақд чет эл валютасини сотиш бўйича операциялар ва айирбошлаш шохобчаси орқали сотилган чет эл валютасини халқаро банк картасига ўтказиш бўйича операциялар алоҳида дафтарда қайд этилади. Унда чет эл валютаси сотилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг паспорт маълумотлари (серияси, рақами ким томондан ва қачон берилганлиги), сотилган нақд чет эл валютасининг номи ва суммаси, халқаро банк картасига ўтказиб берилган валюта миқдори (ўтказиш бўйича амалиёт бажарилган ҳолатда), сотилган сана кўрсатилади. Ушбу дафтар рақамланган, ип ўтказиб тикилган, ваколатли банкнинг муҳри ва ваколатли банк раҳбари имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

78. Айирбошлаш шохобчалари жисмоний шахслар — резидентларга нуфузли хорижий банклар ва молия институтлари чиқарган йўл чекларини нақд миллий валютага сотишлари мумкин.

79. Сотилаётган йўл чеклари нақд чет эл валютасини сотиш бўйича операциялар каби амалга оширилади. Айирбошлаш шохобчаси кассири йўл чеклари сотилганлиги тўғрисидаги тегишли квитанцияни тўлдиради. Квитанцияда йўл чекларининг сони, уларнинг номинали, суммаси, чекларнинг серияси ва рақамлари, шунингдек мижознинг исми, фамилияси ва отасининг исми қайд этилади.

80. Мижоз сотиб олаётган ҳар бир йўл чекларига кассирга кўрсатган ҳолда имзо чекади.

Кассир 09007-сон маълумотномани расмийлаштиради ва мижозга унинг тегишли нусхасини, йўл чекларини беради.

81. Айирбошлаш шохобчасининг ходимлари нақд чет эл валютаси ва йўл чекларини сотишда квитанциянинг бир нусхасини, 09007-сон маълумотноманинг иккинчи нусхасини, сотиб олувчи имзолаган йўл чеклари нусхасини, сотиб олувчининг имзоси қўйилган паспорт нусхасини, шунингдек айирбошлаш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатларни кунлик ҳужжатларга тикиб қўяди.

ХІ. Норезидентларга нақд чет эл валютаси ёки йўл чекларини сотиш операцияларини амалга ошириш ва расмийлаштириш

82. Айирбошлаш шохобчалари норезидентларга нақд чет эл валютаси ва йўл чекларини илгари сўмга алмаштирилган чет эл валютаси (йўл чеклари) миқдорида, айирбошлаш шохобчасининг тасдиқловчи маълумотномасини ёки банкомат чекини, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро жорий операциялар амалга оширилиши натижасида сўм маблағларини қону-

ний йўл билан олинганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда сотадилад.

83. Норезидентларга нақд чет эл валютаси ва йўл чекларини сотиш илгари улар томонидан сўмга алмаштирилган чет эл валютаси (йўл чеклари) миқдориди, айирбошлаш шохобчасининг тасдиқловчи 09002-сон маълумотноманинг биринчи нусхаси ёки банкомат чеки тақдим этилган тақдирда амалга оширилади. Бунда, божхона декларациясида сарфланмай қолган сўмларни чет эл валютаси ёки йўл чекларига алмаштирилгани тўғрисидаги айирбошлаш шохобчасининг штампиди қўйилади ва божхона декларациясининг белгиди қўйилган нусхасиди олиниб айирбошлаш шохобчасининг кунлики ҳужжатларига тикилади.

09002-сон маълумотнома аслининг пастки қисми тўлдирилган биринчи нусхасиди кунлики ҳужжатларга тикиб қўйилади.

84. Ўзбекистон Республикасиди ҳудудиди дипломатик ва консуллик имтиёзлари иммунитетларидан фойдаланадиган норезидентларга чет эл валютасиди ва йўл чеклариниди сотиш улар томонидан 09002-сон маълумотноманинг иккинчи нусхасиди ва паспорт тақдим этилган тақдирда амалга оширилади. Бу ҳолатда 09002-сон маълумотноманинг иккинчи нусхасиди кунлики ҳужжатларга тикилади.

Норезидентларга чет эл валютасиди ёки йўл чеклариниди сотиш, қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро жорий операцияларни амалга ошириш натижасиди сўм маблағлариди қонуний йўл билан олинганлигиниди тасдиқловчиди қўйидаги ҳужжатларнинг асли нусхалариди тақдим этилганда ҳам амалга оширилади:

меҳнат шартномасиди бўйича даромадлардан солиқ тўлангани тўғрисидаги иш жойидан маълумотнома;

банкдаги ҳисобварақдан сўм маблағлариди олингани тўғрисида банкнинг маълумотномасиди;

акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозлар бўйича дивидендлариниди нақд пул шаклида берилганлигиди тўғрисидаги акциядорлар умумий мажлисининг қароридан кўчирма;

етказилган зарарнинг ўрниниди қоплаш сифатида олинган маблағлар бўйича суд қарориди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро жорий операцияларни амалга ошириш натижасиди сўм маблағлариди қонуний йўл билан олинганлигиниди тасдиқловчиди бошқа ҳужжатлар.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро жорий операцияларни амалга ошириш натижасиди сўм маблағлариди қонуний йўл билан олинганлигиниди тасдиқловчиди тақдим қилинган ҳужжатнинг (мазкур банднинг олтинчиди хатбошисиди кўрсатилган ҳужжат бундан мустасно) асли нусхасиди кунлики ҳужжатларга тикилади.

Айирбошлаш шохобчасига мазкур банднинг бешинчиди ва олтинчиди хатбошиларида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилганда, сўм маблағлариди ҳисобварақдан олинганлигиди тўғрисида банкнинг маълумотномасиди талаб қилинади.

Айни пайтда, сарфланмай қолган миллий валютани халқаро банк картаси орқали берилган нақд чет эл валютасига алмаштирилган суммага, мижознинг илтимосига биноан, нақд чет эл валютасини хорижга олиб чиқиб кетиш учун 09006-сон рухсатнома берилиши мумкин. Рухсатноманинг ҳар икки нусхаси айирбошлаш шохобчаси ходимлари томонидан имзоланади, айирбошлаш шохобчасининг ҳамда ходимларнинг шахсий штамплари босилади. Бунда, мижозга 09006-сон рухсатноманинг биринчи нусхаси берилади, иккинчи нусхаси эса кунлик ҳужжатларга тикилади.

Норезидентларнинг сарфланмай қолган миллий валютасини чет эл валютаси ёки йўл чекларига банккомат чеки асосида алмаштириш ушбу Низомнинг 98-бандида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

85. Норезидентларга чет эл валютаси ёки йўл чекларини сотиш бўйича операциялар Ўзбекистон Республикаси резидентларига чет эл валютасини сотиш операциялари каби расмийлаштирилади. Бунда, мазкур жисмоний шахсга айирбошлаш шохобчаси томонидан чет эл валютаси сотилганлигини тасдиқловчи 09007-сон маълумотноманинг биринчи нусхаси берилади.

ХII. Нақд чет эл валютасини ва йўл чекларини инкассога қабул қилиш

86. Айирбошлаш шохобчаси норезидентлардан хориждан олиб кирилганлигини тасдиқловчи божхона декларацияси бўлган ҳолда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резидентларидан нақд чет эл валютаси ёки йўл чекларини, жумладан, тўловга яроқсиз (муомаладан чиқарилган) деб топилган валютани, инкассога қабул қилиши мумкин.

87. Нақд чет эл валютасини ёки йўл чекларини инкассога қабул қилиш аризага асосан резидентлардан паспорт (Ўзбекистон Республикасида яшаш рухсатномаси, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари учун ҳарбий билет ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим этилганда, уларнинг ҳисобидан воситачилик ҳақи ундирилган ҳолда амалга оширилади.

Аризада мижознинг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг уй манзили, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг тартиб рақами ва серияси, пул белгилари ва тўлов ҳужжатининг номинали, чиқарилган йили, эмитент банк, ҳар бир банкнот ва тўлов ҳужжатининг номи, зарур ҳолларда инкассога қабул қилинаётган пул белгилари ва тўлов ҳужжатининг бошқа реквизитлари кўрсатилади.

88. Нақд чет эл валютаси ёки йўл чекларини инкассога қабул қилинаётганда мижозга 09004-сон квитанция берилади. 09004-сон квитанция икки нусхада тўлдирилади. Бунда, нусха кўчириш қоғози биринчи нусхани орқа томонига ва иккинчи нусханинг олди томони ўртасига қўйилади. Тўлдирилган квитанциянинг биринчи нусхаси мижозга берилади, иккинчи нусхаси эса ҳисобот тузишда асос ҳисобланади ва мижознинг паспорти (Ўзбекистон Республикасида яшаш рухсатномаси, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари учун ҳарбий билет ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжат) нусхаси билан кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

89. Чет эл вакил банкдан инкассога қабул қилинган йўл чеклари учун ҳақ олинганидан сўнг ушбу маблағ мижознинг банкдаги чет эл ёки миллий валютадаги ҳисобварағига киритилиши ёки мижозга унинг хоҳишига кўра нақд миллий ёки чет эл валютасида берилиши мумкин. Бунда, норезидентнинг божхона декларациясига алмаштирилганлик тўғрисида белги қўйилади ҳамда божхона декларациясининг белги қўйилган нусхаси, шунингдек маълумотноманинг иккинчи нусхаси кунлик ҳужжатларга тикилади.

90. Ваколатли банк инкассога қимматликлар қабул қилингани учун ҳақ олингани тўғрисида аризада кўрсатилган манзил бўйича ўз вақтида мижозга ёзма хабар юборади.

Чет эл вакил банки инкассога қабул қилинган нақд чет эл валютаси ёки йўл чеклари учун ҳақ тўлашдан бош тортса, ваколатли банк мижозга чет эл вакил банки қимматликларни тўлашдан бош тортганлиги ҳақида хабар юборади. Унга нақд чет эл валютаси ёки йўл чеклари учун ҳақ тўлашдан бош тортиш сабабларини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинади.

ХIII. Жисмоний шахслардан нақд чет эл валютаси ва йўл чекларини экспертизага қабул қилиш

91. Нақд чет эл валютасини ва йўл чекларини экспертизага қабул қилиш резидентлардан паспорт ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш рухсатномаси, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари учун ҳарбий билет ёхуд шахсни тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек норезидентлардан фақат паспорт тақдим этилганда амалга оширилади.

Ҳақиқийлигига шубҳа уйғотган ёки қалбакилаштиришнинг аниқ белгилари бўлган хорижий давлатларнинг нақд чет эл валютаси, йўл чеклари уни тақдим этувчига қайтарилмайди ҳамда ваколатли банк кассири томонидан олиб қўйилади. Бунда мижозга ҳақиқийлигига шубҳа уйғотган нақд чет эл валютаси ёки йўл чекини экспертизага қабул қилинганлиги тўғрисида 09005-сон қвитанция берилади.

Қвитанциянинг биринчи нусхаси мижозга берилади, иккинчи нусхаси мижознинг پاسпорти (Ўзбекистон Республикасида яшаш рухсатномаси, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари учун ҳарбий билет ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжат) нусхаси билан кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

92. Экспертизага топширилган нақд чет эл валюталари ва йўл чекларининг ҳақиқийлигини аниқлаш учун ваколатли банклар эксперт комиссиясини тузадилар. Экспертиза натижалари бўйича комиссия томонидан далолатнома тузилади. Унда валюта тури, номинали, чиқарилган йили, рақами ва серияси, эмитент банк ва экспертизага топширилган нақд чет эл валютаси ёки йўл чекининг бошқа ўзига хос хусусиятлари кўрсатилади.

Зарур бўлганда ваколатли банклар ҳақиқийлигига шубҳа уйғотган ёки қалбакилаштиришнинг аниқ белгилари бўлган нақд чет эл валюталари ва

йўл чекларини бошқа ваколатли банклар ёки чет эл вакил банкларига экспертизага юборишлари мумкин.

93. Агар экспертиза нақд чет эл валюталари ёки йўл чекларини ҳақиқий деб топса, воситачилик ҳақи ушланиб қолинган ҳолда мижозга пул белгиси ёки йўл чеки қайтариб берилади.

Нақд чет эл валютаси ва йўл чекларини экспертизага қабул қилиш бўйича операциялар мазкур Низомнинг VIII ва IX бўлимларида белгиланган тартибда қатъий ҳисобда турувчи бланкларда расмийлаштирилади.

94. Экспертиза ҳақиқий деб тан олинмаган пул белгилари (йўл чеклари) унинг эгасига қайтариб берилмайди ва экспертиза далолатномаси билан бирга ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларга топширилади. Бунда, ҳақиқий бўлмаган нақд чет эл валютаси (йўл чеки) эгасига унинг талаби бўйича экспертиза далолатномасининг нусхаси берилади.

95. Экспертизага қабул қилинган нақд чет эл валюталари (йўл чеклари) 93609 — «Сақланадиган бойликлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

XIV. Халқаро банк карталари бўйича нақд чет эл валютасини расмийлаштиришга доир операцияларни ўтказиш

96. Айирбошлаш шохобчалари жисмоний шахслар — резидент ва норезидентларга ваколатли банклар ва бошқа хорижий банклар, тўлов тизимлари, ташкилотлари, ассоциациялари ва жамиятлари (кейинги ўринларда эмитент-ташкилот деб юритилади) томонидан эмиссия қилинган халқаро банк карталари бўйича нақд чет эл валютасини бериш ёки чет эл валютасини ваколатли банкларнинг сотиб олиш курсига мувофиқ миллий валютада бериш бўйича операцияларни амалга оширади.

Халқаро банк карточкалари бўйича нақд хорижий валютани бериш бўйича операция резидентлардан паспорт ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш рухсатномаси, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари учун ҳарбий билет ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек норезидентлардан фақат паспорт тақдим қилган ҳолда амалга оширилади.

Айирбошлаш шохобчалари ваколатли банклар ва эмитент-ташкилотлар ўртасида тузилган битимларда қайд этилган тартиб ва шартларда назорат материаллари (халқаро банк карталари бўйича нақд чет эл валютасини бериш қоидалари, чеклар, карточкалар намуналари ва махсус жиҳозлар) мавжуд бўлган тақдирда, халқаро банк карталари бўйича нақд чет эл валютасини беради. Резидент ва норезидентларга халқаро банк карталари бўйича нақд чет эл валютасини бериш операциялари 09017-сон рўйхатда расмийлаштирилади. 09017-сон рўйхат айирбошлаш шохобчасининг ҳисоботи учун асос ҳисобланади ва кунлик ҳужжатларга тикилади.

Айни пайтнинг ўзида жисмоний шахслар — норезидентларга халқаро банк карталари бўйича нақд чет эл валютасини бериш вақтида айирбошлаш шохобчалари нақд чет эл валютасини сотиб олиш операцияларини бажаришлари мумкин.

Нақд чет эл валютаси халқаро банк карталари бўйича терминалдан олинганлигини тасдиқловчи чек мавжуд бўлган тақдирда норезидентларга сарфланмай қолган сўмларни қайта нақд чет эл валютасига алмаштириш ҳуқуқини берувчи 09002-сон маълумотноманинг (чекда кўрсатилган чет эл валютаси суммасидан ошмаган суммага) биринчи нусхаси берилади. Бунда, тақдим этилган нақд чет эл валютаси халқаро банк карталари бўйича олинганлигини тасдиқловчи чекнинг асл нусхаси А4 ўлчамдаги қоғозга елимланиб, маълумотноманинг иккинчи нусхаси билан кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

97. Ваколатли банклар ва эмитент-ташкilotлар ўртасида тузилган шартномаларга асосан халқаро банк карталари эгаларига хизмат кўрсатилаётганда нақд маблағларни банккомат орқали бериш операция вақтида айирбошлаш шохобчалари учун ўрнатилган сотиб олиш курси бўйича халқаро банк карталаридан ечилаётган чет эл валютаси маблағларини конвертациялаш (алмаштириш) йўли билан миллий валютада амалга оширилади.

Халқаро банк карталари бўйича миллий валютадаги маблағларни банккоматлар орқали бериш, ваколатли банкнинг процессинг маркази тасдиқланган сўнг, авторизация асосида, яъни халқаро банк картасининг эмитент-ташкilotи ҳисоб-китоб марказида тўловга қобилиятлилигини текшириш асосида амалга оширилади.

Мижозга банккоматдан бериладиган чекда қуйидаги ахборотлар мавжуд бўлиши шарт:

- банккоматнинг рақами;
- халқаро банк картанинг рақами;
- транзакция рақами;
- операция ўтказилган сана ва вақт;
- харид қилинган чет эл валюта суммаси;
- миллий валютада берилган маблағлар суммаси;
- алмаштириш курси;
- ваколатли банкнинг номи.

98. Норезидентларга чет эл валютаси ва йўл чекларини сотиш улар томонидан илгари халқаро банк карталаридан ечилган чет эл валютасидаги маблағларни банккомат орқали алмаштириш натижасида олинган миллий валютадаги сумма доирасида амалга оширилади.

Норезидентларга чет эл валютасини сотишда паспорт ва миллий валютада маблағларни олиш операциясини бажаришда берилган банккомат чекининг асл нусхаси асос бўлиб ҳисобланади. Бунда, чекни тақдим қилган шахс халқаро банк картасининг эгаси эканлиги, чекда кўрсатилган номернинг халқаро банк картасида қайд этилган номерга, шунингдек халқаро банк картасидаги қайд этилган исм-шарифи унинг паспортидаги ёзувларга мос келиши аниқланиши лозим.

Тақдим этилган чекнинг асл нусхаси А4 ўлчамдаги қоғозга елимланиб, 09002-сон маълумотноманинг биринчи нусхаси ўрнига қайта алмаштириш учун асос сифатида кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

Божхона декларациясига сарфланмай қолган сўмлар чет эл валютасига

алмаштирилганлиги тўғрисида штамп (муҳр) қўйилади ва белги қўйилган божхона декларациясининг нусхаси айирбошлаш шохобчасининг кунлик ҳужжатларига тикиб қўйилади.

Норезидентларга чет эл валютаси ва йўл чекларини сотиш операциялари резидентларга нақд чет эл валютасини сотиш операцияси (ушбу Низомнинг X бўлими) каби амалга оширилади. Бунда, мижозга айирбошлаш шохобчаси орқали ушбу жисмоний шахсга валюта сотилганлигини тасдиқловчи 09007-сон маълумотноманинг биринчи нусхаси берилади.

Мазкур Низомнинг 84-банди ва мазкур банднинг иккинчи хатбошисига мувофиқ мижоз илтимосига кўра, нақд чет эл валютаси ва йўл чекларини хорижга олиб кетиш учун 09006-сон рухсатнома берилиши мумкин.

XV. Хорижий давлатларнинг шикастланган пул белгиларини алмаштириш, майдалаш ва конверсия операцияларини расмийлаштириш

99. Айирбошлаш шохобчалари хорижий давлатларнинг шикастланган пул белгиларини ўша давлатнинг шикастланмаган пул белгиларига алмаштириш операцияларни амалга оширишлари мумкин. Бу операциялар айирбошлаш шохобчаси ходимлари томонидан 09013-сон рўйхатда (мазкур Низомга 12-илова) расмийлаштирилади. 09013-сон рўйхат айирбошлаш шохобчасининг ҳисоботи учун асос ҳисобланади ва кунлик ҳужжатларга тикилади.

Айирбошлаш шохобчаси томонидан энг кам иш ҳақининг 100 баробари ёки ундан ошган эквивалентдаги хорижий давлатнинг шикастланган пул белгиларини ўша давлатнинг шикастланмаган шу миқдордаги пул белгиларига алмаштириш операцияси резидентлардан паспорт (Ўзбекистон Республикасида яшаш рухсатномаси, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари учун ҳарбий билет ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжат), норезидентлардан паспорт тақдим қилган ҳолда амалга оширилади.

Бунда, хорижий давлатнинг пул белгиларида нуқсонлар мавжуд бўлса ёки мазкур Низомнинг 108-бандида кўрсатилган асослар мавжуд бўлса, пул белгилари шикастланган деб топилади.

100. Ҳақиқийлигига шубҳа уйғотган пул белгилари мазкур Низомнинг XIII бўлимига мувофиқ расмийлаштирилади.

101. Хорижий давлатларнинг шикастланган пул белгиларини алмаштириш, майдалаш ва конверсия операциялари 09012-сон қвитанцияни тўлдириш йўли орқали амалга оширилади. Тўлдирилган қвитанциянинг биринчи нусхаси мижозга берилади, иккинчи нусхаси (операция миқдори энг кам иш ҳақининг миқдори 100 баробари ёки ундан ошганда мижоз паспорти билан) кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

102. Хорижий давлатнинг шикастланган пул белгиларини ўша давлатнинг яроқли пул белгиларига алмаштириш операциялари алоҳида журналда ҳисобга олинади. Унда мижознинг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт маълумотлари, манзили, шунингдек валютанинг тури, номинали, чи-

қарилган йили, тартиб рақами ва серияси, эмитент банк ва пул белгиларининг бошқа махсус хусусиятлари кўрсатилади.

103. Айирбошлаш шохобчалари хорижий давлатнинг тўловга яроқли пул белгиларини ўша давлатнинг тўловга яроқли пул белгиларига майдалаб бериш бўйича операцияларни амалга оширишлари мумкин.

Айирбошлаш шохобчаси томонидан энг кам иш ҳақининг 100 баробари ёки ундан ошган эквивалентдаги хорижий давлатнинг тўловга яроқли пул белгиларини ўша давлатнинг тўловга яроқли шу миқдордаги пул белгиларига майдалаб бериш операцияси резидентлардан паспорт (Ўзбекистон Республикасида яшаш рухсатномаси, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари учун ҳарбий билет ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжат), норезидентлардан паспорт такдим қилган ҳолда амалга оширилади.

104. Айирбошлаш шохобчалари хорижий давлатнинг тўловга яроқли пул белгиларини ўша давлатнинг тўловга яроқли майда пул белгиларига алмаштириш операцияларини 09013-сон рўйхатда расмийлаштирилади.

Майдалаш пайтида икки нусхада 09014-сон маълумотнома (мазкур Низомга 13-илова) тўлдирилади. 09014-сон маълумотноманинг иккинчи нусхаси миждозга берилади, майдалаш операциясини тасдиқловчи биринчи нусхаси (операция миқдори энг кам иш ҳақининг миқдори 100 баробари ёки ундан ошганда миждоз паспорти билан) кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

105. 09014-сон маълумотнома қатъий ҳисобда турувчи бланк ҳисобланмайди ва ваколатли банклар томонидан мустақил равишда тайёрланади.

106. Айирбошлаш шохобчалари бир хорижий давлатнинг нақд валютасини бошқа хорижий давлатнинг нақд валютасига алмаштириш (конверсия) операцияларни амалга оширишлари мумкин.

Айирбошлаш шохобчаси томонидан энг кам иш ҳақининг 100 баробари ёки ундан ошган эквивалентдаги хорижий давлатнинг пул белгиларини конверсия операцияси резидентлардан паспорт (Ўзбекистон Республикасида яшаш рухсатномаси, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари учун ҳарбий билет ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжат), норезидентлардан паспорт такдим қилган ҳолда амалга оширилади.

107. Айирбошлаш шохобчалари конверсия операцияларини 09019-сон «конверсия қилинган нақд чет эл валютасини рўйхатга олиш дафтари»да (мазкур Низомга 21-илова) расмийлаштиради.

Конверсия операциясини амалга оширганда 09018-сон маълумотнома икки нусхада (мазкур Низомга 20-илова) тўлдирилади. 09018-сон маълумотноманинг иккинчи нусхаси миждозга берилади, конверсия операциясини тасдиқловчи биринчи нусхаси (операция миқдори энг кам иш ҳақининг миқдори 100 баробари ёки ундан ошганда миждоз паспорти нусхаси билан) кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.

09018-сон маълумотнома қатъий ҳисобда турувчи бланк ҳисобланмайди ва ваколатли банклар томонидан мустақил равишда тайёрланади.

XVI. Чет эл валютасидаги пул белгилари ва йўл чекларининг тўловга яроқлилигини аниқлаш

108. Чет эл валютаси пул белгилари ва йўл чеклари куйидаги ҳолларда тўловга яроқли деб тан олинади:

тўловга яроқлилигининг куйидаги асосий белгиларини сақлаб қолганда: эмитент банкнинг номи, қиймати рақамлари ва ёзув билан кўрсатилиши, олд ва орқа томонининг асосий расми (сурати), шунингдек қалбакилаштиришдан ҳимоя қилувчи элементлари (сув белгиси, магнитли белгилар, қоғозга киритилган рангли толалар, жумладан, ультрабинафша нурларда кўринадиган толалар, конфетти, ҳимоя иплари, микроматн, нур сочувчи расмлар ва бошқалар);

сийқаланган ва ифлосланганда;

ёпиштириб қўйилган йиртилган бурчаклари ёки қисмлари бўлганда (майдони 1-2 см² дан ошмаслиги лозим). Йиртилган қисмлар сўзсиз шу банкнотга тегишли бўлиши шарт;

банкнот энининг тўртдан бир қисмидан ошмаган ёпиштириб қўйилган, унчалик катта бўлмаган йиртиқларга эга бўлганда;

майда мой доғлари ва бошқа доғлар, ёзувлар ва муҳрлар ўрни бўлганда (банкнот ҳақиқий эмаслигидан далолат берадиганлардан ташқари) ва улар банкнотнинг ҳақиқийлигини аниқлашга ҳалақит бермайдиган ва мазкур банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган тўловга яроқлиликнинг асосий белгиларини муайян даражада (50 фоиздан ортиғини) тўсиб қўймаганда;

банкнотлар тешигининг диаметри 1 мм дан ошмаганда;

тегишли хорижий давлат эмитент банк томонидан муомаладан чиқарилган деб эълон қилинган пул белгилари, жумладан, расмий равишда эълон қилинган санагача. Мазкур пул белгилари муомаладан чиқарилган санадан бошлаб эмитент банк томонидан тўловга яроқсиз деб эълон қилинади ва фақат инкассога қабул қилинади.

109. Чет эл валютасидаги пул белгилари ва йўл чеклари куйидаги санаб ўтилган нуқсонларнинг бири мавжуд бўлган тақдирда, шикастланган ҳисобланади:

агар қисмлар шубҳасиз бир билетга тегишли бўлса, бўлакларга бўлинган ва елимланган бўлса;

тўловга яроқлиликнинг асосий белгиларини сақлаб қолмаса;

дастлабки ранги ўзгарган ёки ранги ўчган бўлса;

ёндирилган ёки куйдирилган бўлса;

тўлиқ ёки муайян даражада бўёқ ва сиёҳ тўкилган бўлса;

кимёвий реактивлар, жумладан ультрабинафша нурларда қоғознинг нурланишига олиб келган реактивлар таъсирида бўлган бўлса;

муайян даражада қасддан шикастланган (асосий расмлари, хусусан номинали ва суратлари ўзгартирилган, ҳимоя ипчалари олиб ташланган, катта ҳажмда ёзувлар бўлган, жумладан, ультрабинафша нурларида кўринадиган) бўлса;

банкнотлар аниқ босма хатога эга бўлган (сув белгиси ёки ҳимоя ипча-

ларининг йўқлиги ёки нотўғри жойлашганлиги), тасвирларнинг тўлиқ босилмаган ёки суркалиб кетган бўлса;

сурат катталанган ёки кичрайиш томонига 3 мм ортиқ геометрик хажмларининг ўзгариши.

110. Хорижий давлатнинг шикастланган пул белгилари инкассога, шунингдек мижоз ҳисобидан эмитент банкка экспертизага жўнатиш учун қабул қилиб олиниши мумкин.

111. Айирбошлаш шохобчалари ходимлари ўзлари қабул қилган чет эл валютасидаги пул белгилари ва йўл чекларининг ҳақиқийлиги ва тўловга яроқлилиги учун жавобгардирлар. Нақд чет эл валютаси ва йўл чекларининг ҳақиқийлиги ва тўловга яроқлилиги ахборот, назорат ва маълумот материаллари бўйича, шунингдек замонавий техника воситаларини қўллаш ёрдамида аниқланади.

XVII. Операцион кунни яқунлаш

112. Мижозлар билан операциялар тугагандан кейин:

харид қилинган чет эл валютаси суммалари рўйхат бўйича санаб чиқилади, улар номинали қийматининг ва валюта ҳамда тўлов ҳужжатлари турлари бўйича миллий валютадаги эквивалентининг якуний маълумотлари ёзиб қўйилади. Дафтар бўйича ҳисоблаш ҳам айнан шу тартибда амалга оширилади. Бунда, дафтардаги якуний маълумотлар сотилган чет эл валютаси суммалари қайд этилган ҳужжатлар бўйича чиқарилган якуний билан таққосланиши лозим;

дафтарлар, рўйхатлар ва қатъий ҳисобда турувчи бланкларнинг тегишли нусхалари асосида айирбошлаш шохобчасининг операциялари тўғрисида 09009-сон (мазкур Низомга 14-илова) ҳисобот тузилади. Ҳисоботнинг рақамида ифодаланган барча маълумотлар сўмларда ёзилади. Ҳисоботда кун давомида ишлатилган қатъий ҳисобда турувчи бланклар тўғрисида маълумотлар акс эттирилади.

113. Рўйхатлар, дафтарлар ва ҳисоботга айирбошлаш шохобчаси кассири ва назоратчиси имзо чекиши лозим.

114. Амалда мавжуд қимматликларни санаш, уларни саралаш, тайёрлаш ва ўраб боғлаш ишлари билан айирбошлаш шохобчасининг кассири ва назоратчиси шуғулланади. Бунда, айирбошлаш шохобчаси кассири кун бошида ваколатли банкдан олган қимматликлар қолдиғи, иш куни давомида қимматликлар билан ўтказилган операцияларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур қимматликларнинг ҳар бир тури бўйича кун охирида амалда қолган қимматликлар миқдорига мос келишига ишонч ҳосил қилиши лозим.

108. Қимматликлар кам ёки ортиқча эканлиги аниқланган ҳолларда кассир бу ҳақда ваколатли банкка ёзма равишда хабар қилиши шарт. Камомад ёки ортиқча пул чиққани тўғрисидаги хабарни кассир ваколатли банкка шу куни бажарилган операциялар тўғрисида ҳисобот билан жўнатади. Аниқланган ортиқча пуллар ёки камомад тўғрисида икки нусхада далолатнома тузилиб, унга кассир ва назоратчи имзо чекади. Далолатноманинг биринчи нус-

хаси ҳисобот билан бирга ваколатли банкка юборилади. Йўқотилган қимматликлар айбдор шахслардан ундирилади, ортиқча маблағлар ваколатли банк даромадига кирим қилинади.

115. Қимматликлар ва айирбошлаш шохобчасида бажарилган операциялар тўғрисида ҳисоботлар сотиб олинган чет эл валютаси рўйхатларини, сотилган чет эл валютаси ҳисобини юритиш дафтари ва қатъий ҳисобда турувчи бланкларни илова қилиб, шу куннинг ўзида инкассаторлар ёки шахсан кассирнинг ўзи томонидан қуролли соқчилар ҳамроҳлигида ваколатли банкка олиб борилади.

116. Инкассаторлар томонидан ваколатли банкка олиб бориладиган қимматликлар учун айирбошлаш шохобчасининг кассири томонидан уч нусхада илова қайдномаси тузилади. Қайдномага кассир ва назоратчи имзо чекади. Кассир қимматликларни, шунингдек қайдноманинг биринчи нусхасини ҳисобот ва тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга халтага солади ва уни тамғалайди.

117. Қимматликлар солинган халтани олишдан аввал инкассатор айирбошлаш шохобчасининг кассирига ўзининг хизмат гувоҳномасини, қимматликларни олиш ҳуқуқини берувчи ишончномани, ташриф варақасини ва бўш халтачани кўрсатади.

Айирбошлаш шохобчаси кассири ташриф варақасининг тегишли устунига қимматликлар топширилган вақтни, халтанинг рақамини, топширилган қимматликларни суммасининг сўмдаги эквивалентини, олинган бўш халта рақамини ёзиб қўяди, унга имзо чекади ва инкассаторга у кўрсатган ҳужжатларни қайтариб, қимматликлар солинган ҳамда тамғаланган халтани беради. Инкассатор тамғалагич изининг аниқлигини, унинг намунадагига мос келишини, шунингдек ташриф варақасига ёзилган суммалар илова қайдномасида кўрсатилгани билан бир хиллигини текшириб, қимматликлар солинган халтани олгани тўғрисида илова қайдномасининг кассирда қоладиган нусхаси (учинчи нусхаси)га имзо чекади, санани ёзади ва инкассация бўлими (участкаси) номи ёзилган муҳрни босади. Шундан сўнг, илова қайдномасининг иккинчи нусхаси билан бирга халтани қабул қилади.

118. Инкассация хизматидан фойдаланмаган ҳолатларда айирбошлаш шохобчасининг кассири шахсан ваколатли банкка олиб бориладиган қимматликлар солинган халтани илова қайдномасининг иккинчи нусхаси билан бирга ваколатли банкнинг касса мудирига ёки кечки касса ходимига топширади, бу ҳақда илова қайдномасининг нусхасига кечки кассанинг штампи босилиб, имзо чекилади.

119. Дам олиш ва байрам кунлари айирбошлаш шохобчасида операциялар ўтказилса, кассир ваколатли банкка олиб борилган қимматликлар солинган халтани кечки касса ходимларига топширмайди, балки уни ўзи учун махсус ажратилган ўтга чидамли сейфга солиб, ўз тамғалагичи билан тамға босади ва белгиланган тартибда қўриқлашга топширади. Бундай ҳолатларда айирбошлаш шохобчасининг кассири қимматликлар солинган халта учун илова қайдномасини тузмайди. Мазкур қимматликлар айирбошлаш шохобчасига ва ваколатли банкка қуролли соқчилар ҳамроҳлигида олиб борилади.

120. Айирбошлаш шохобчаларининг ходимлари навбат билан алмашиб ишлайдиган ҳолатларда аввалги иш куни кассири қўлидаги қимматликлар, жумладан, қатъий ҳисобда турувчи бланклар иш куни охирида келаси иш куни кассирга иш учун зарур миқдорда берилиши мумкин. Бу кассир уларни қимматликлар ва ҳужжатларни топшириш дафтарига қараб бирма-бир санаб, қабул қилади. Бу дафтар икки нусхада тутилган бўлиши керак, бундай ҳолатларда дафтарнинг биринчи нусхаси қимматликларни кейинги иш кунига топширган ходимлар ҳисоботига илова қилиниши лозим. Иккинчи нусхаси кейинги иш куни кассирларида қолади. Қолган қимматликлар суммаси ҳисобот ва тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга ушбу Низомда белгиланган тартибда ваколатли банкка юборилади.

121. Айирбошлаш шохобчаларининг қимматликлари солиниб ваколатли банкка келтирилган халталар ва уларнинг юкхатлари кечки касса ходимлари томонидан қабул қилиб олинади ва эртасига ваколатли банкнинг касса мудирига белгиланган тартибда топширилади.

Банкнинг иш шароитига қараб кечки касса ходимлари қимматликлар солинган ушбу халталарни ва уларнинг юкхатларини белгиланган тартибда касса мудирига бериш учун пул санаш кассасига раҳбарлик қилувчи кассир (назоратчи)га беришлари мумкин.

122. Халталарни очиш ва уларга солинган қимматликларни санаш «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида валюта бойликлари билан касса ишларини амалга ошириш тўғрисида»ги низомда (рўйхат рақами 468, 1998 йил 3 август) белгиланган тартибда амалга оширилади.

Айирбошлаш шохобчасининг ҳисоботи ҳамда унга илова қилиниб, қимматликлар солинган халтага жойланган тасдиқловчи ҳужжатлар текшириш учун бухгалтерия ходимларига берилади.

123. Халтага солинган чет эл валютаси саналаётганда унинг ҳар бир тури бўйича амалда чиққан валютанинг номинал суммаси юкхатда ва илова қайдномасида кўрсатилган маълумотлар билан таққосланади.

Халтадан амалда чиққан қимматликлар суммаси билан юкхат ва илова қайдномасидаги маълумотлар бир-биридан фарқ қилмаса, пулни санаган ва бу жараёни назорат қилган шахслар мазкур ҳужжатларга имзо чекиб, операциян ходимга беради.

Чет эл валютаси кам ёки кўп чиққан ҳолатларда илова қайдномасининг биринчи ва иккинчи нусхасида далолатнома тузилади. Ортиқча чиққан пуллар ваколатли банк даромадига киритилади, камомад эса айбдор шахслардан ундирилади.

124. Ваколатли банкларнинг операциян ходимлари тақдим қилинган ҳужжатлар бўйича тузилган ҳисоботнинг тўғрилигини, қимматликлар тўлатўқис топширилганини, қатъий ҳисобда турувчи бланклардан тўғри фойдаланганини текширадилар, айирбошлаш шохобчасининг ҳисоботига киритилган операцияларни ваколатли банк балансида акс эттириш, шунингдек мазкур айирбошлаш шохобчаси кассири ҳисобидаги бўнақлар суммалари юзасидан ҳисоб-китоб қилиш учун қирим-чиқим ордерларини тузадилар. Юқорида айтилган барча ҳужжатлар ва тузилган ордерлар валюта операциялари бўлими

бошлиғи ёки бош бухгалтер томонидан текширилиб, кунлик хужжатларга жойлаштирилади.

125. Айирбошлаш шохобчаси кассири халқаро банк картасига чет эл валютасини ўтказиб бериш учун мижоздан қабул қилган аризани, касса кирим ордерини ҳамда нақд чет эл валютасини банкнинг валюта кирим кассасига (касса кирим ордерини тегишли нусхаси билан нақд чет эл валютасини) ва пластик карточкалар бўлимига (мижознинг аризаси, паспорти нусхаси ва касса кирим ордерини) топширадилар.

Айирбошлаш шохобчаси орқали халқаро банк картасига чет эл валюта-сини ўтказиб бериш билан боғлиқ операцияларни ваколатли банкларнинг операциялар ходимлари тақдим этилган хужжатлар бўйича ҳисоботнинг тўғри тузилганлигини текшириб қабул қилиб оладилар.

Барча кўрсатилган хужжатлар ва тузилган ордерлар бош бухгалтер ва тегишли бўлим бошлиғи томонидан текширилади ва кунлик хужжатларга жойлаштирилади.

XVIII. Айирбошлаш шохобчаси назоратчиси ва кассирининг вазифалари ва мажбурияти

126. Икки ёки уч киши ишлайдиган айирбошлаш шохобчасининг назоратчиси айти бир вақтда айирбошлаш шохобчаси мудирини ҳисобланади.

Тўрт ва ундан кўп ходимлар ишлайдиган айирбошлаш шохобчаларида айирбошлаш шохобчасининг бошқа ишларидан озод қилинган мудир лавозимини жорий қилиш тавсия этилади.

127. Айирбошлаш шохобчасининг назоратчиси ўз хизмат вазифаларига мувофиқ:

инкассатор (кассир) келтирган қимматликлар солинган халтачаларни қабул қилади ва очишда иштирок этади ҳамда ундаги қимматликлар кам ёки ортиқча чиққан ҳолларда икки нусхада далолатнома тузади, ушбу далолатномага ўзи ва кассир имзо чекади. Унинг бир нусхаси банкка юборилади;

айирбошлаш учун тақдим этилган миллий валюта ва чет эл валютаси эквивалентини алмаштириш санасидаги харид ва сотиш курси бўйича воситачилик ҳақи ҳисобга олинган ҳолда ҳисоб-китоб қилади;

хар бир валюта айирбошлаш операцияларини бажариш чоғида уни тегишли рўйхатлар ва дафтарларга ёзиб қўяди;

маълумотномаларни тузади ва имзолайди;

мижозлар томонидан тақдим этилган хужжатлар бўйича уларнинг шахсини текширади;

Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига (рўйхат рақами 2023, 2009 йил 23 октябрь) мувофиқ шубҳали операциялар ҳақида зудлик билан ваколатли банкка хабар беради;

иш куни охирида амалга оширилган валюта айирбошлаш операциялари бўйича тегишли хужжатларга имзо чекади;

айирбошлаш шохобчаси операциялари тўғрисида кассир томонидан ту-

зилган ҳисоботни тегишли дафтарлар, рўйхатлар ва маълумотномалар нусхаси асосида текшириб, унга имзо чекади;

иш куни охирида амалда қолган қимматликларни дасталари бўйича санаб чиқади ва бу қимматликлар дасталари халталарга тўла-тўқис солинишини назорат қилади;

қимматликларнинг амалдаги қолдиқларини айирбошлаш шохобчасининг операциялари тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари билан солиштиради ва маблағлар ортиқча ёки кам чиққан ҳолатда икки нусхада далолатнома тузади, далолатномага ўзи ва кассир имзо чекади. Унинг бир нусхаси банкка юборилади. Камомад аниқланган тақдирда, уни қоплаш чораларини кўради.

128. Айирбошлаш шохобчаси кассири ўз хизмат вазифаларига мувофиқ:

миллий валюта, нақд чет эл валютаси, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари ҳамда қатъий ҳисобда турувчи бланкларни олиш учун бўнак буюртманомаларини тузиб, уларни банкка тақдим этади;

инкассаторлар олиб келган қимматликлар солинган халталарни қабул қилиб олади ҳамда назоратчи ва инкассатор ҳузурида очади ёки ваколатли банк кассасидан қимматликларни қабул қилади ва қуролли соқчилар ҳамроҳлигида айирбошлаш шохобчасига олиб келади;

айирбошлаш шохобчаси кассасига алмаштириш учун тақдим этилган банкнотлар ва йўл чеклари қабул қилинаётганда, уларнинг ҳақиқийлиги ва тўловга яроқлигини текширади;

қимматликларни қабул қилади ва беради;

дафтарлар, рўйхатлар ва тегишли маълумотномалар нусхалари асосида айирбошлаш шохобчаси операциялари тўғрисидаги ҳисоботни тузади ва имзолайди;

иш куни охирида амалда қолган қимматликларни санайди, уларни саралаб, дасталайди ва назоратчи кузатувида қимматликларни халталарга жойлайди;

қимматликларнинг амалдаги қолдиқларини айирбошлаш шохобчаси операциялари тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари билан солиштиради ва қимматликлар кам ёки кўп чиққан ҳолларда бу ҳақда ёзма равишда ваколатли банк раҳбариятига хабар қилади.

129. Айирбошлаш шохобчаси кассири ва назоратчиси операциялар тўғри бажарилиши, ҳисоботлар тўғрилиги, валюталар халталарга тўла-тўқис жойланиши ва улар ваколатли банкка етказиб берилиши (бойликлар ходимлар томонидан олиб борилса) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Шахсий моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ айирбошлаш шохобчасининг кассири «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома»нинг (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь) IV боби талаблари асосида пул ва тангаларни тахлаш ҳамда уларни ўраб-боғланишига шахсан жавоб беради.

130. Қўйидагилар қатъиян тақиқланади:

миллий валютани чет эл валютасига эгаси келмаган паспортлар бўйича (сиртдан) алмаштириш;

нақд чет эл валютасини маълумотноманинг тегишли нусхасини бермасдан сотиб олиш ва сотиш;

мижознинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлардаги маълумотларини ягона компьютер дастурига киритмай туриб, шунингдек компьютер ёки компьютер дастури ишламаган ҳолда нақд чет эл валютаси ва йўл чекларини сотиш ва айирбошлаш шохобчалари томонидан нақд чет эл валютаси ва йўл чекларини энг кам иш ҳақи миқдорининг 1000 баробарига тенг бўлган ёки ундан ошган миқдорда сотиб олиш;

миллий валютани қабул қилмай, нақд чет эл валютасини сотиш ҳамда харид операциясида чет эл валютасини қабул қилмай, миллий валютани бериш;

айирбошлаш шохобчасида хорижий валюта ва миллий валютадаги шахсий жамғармаларнинг бўлиши (энг кам ойлик иш ҳақининг ярмидан ортик миқдорда), шунингдек шахсий пулларни кассада айирбошлаш шохобчаси қимматликлари билан биргаликда сақлаш;

валюта айирбошлаш операцияларини амалда бажармай, бу тўғрида маълумотлар бериш;

назоратчи ва кассирга топширилган ишларни бошқа шахсларга ишониб топшириш;

мазкур Низомнинг 6-бандида назарда тутилмаган операцияларни амалга ошириш;

айирбошлаш шохобчаси учун кун давомида белгиланган вақтда сабабсиз фаолият юритмаслик;

айирбошлаш шохобчаларини нақд миллий валютаси, чет эл валютаси ва қатъий ҳисобда турувчи бланклар билан ўз вақтида таъминламаслик;

айирбошлаш шохобчаларида чет эл валютасининг харид ва сотув курсларини белгилашда мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган талабларга риоя қилмаслик;

нақд чет эл валютаси учун қабул қилинган нақд миллий валютани тўлик санаб олмай, сотиш амалиётини бажариш;

валюта айирбошлаш операциялари бўйича қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик ёки қониқарсиз бажариш.

131. Айирбошлаш шохобчаларида тафтиш ва текширувлар ўтказилганда нақд миллий ва чет эл валютаси, шунингдек чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари ортикча ёки кам чиқса, шунингдек бошқа тартиббузарликлар аниқланса, хизмат текшируви ўтказилгандан кейин айбдор шахслар интизомий жазога тортилади, жумладан, ишончни йўқотгани учун ишдан бўшатилади. Зарур бўлса, ваколатли банк материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларига топширади. Ортикча чиққан маблағлар ваколатли банк даромадига кирим қилинади, камомад эса айбдор шахслардан ундирилади.

XIX. Айирбошлаш шохобчаларида валюта айирбошлаш операциялари ўтказилишини назорат қилиш

132. Ваколатли банк раҳбарлари ва бош бухгалтерлари айирбошлаш

шоҳобчаларида операциялар ўтказилишини, олинган бўнақлар аҳволини, ҳисоботлар тузилишини, шунингдек валюта айирбошлаш операциялари тўғри бажарилишини, миллий ва чет эл валютаси, қатъий ҳисобда турувчи бланклар мавжудлигини, улар банк бухгалтерлик маълумотларига мос келишини, қимматликларни сақлаш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишлари шарт.

133. Айирбошлаш шоҳобчаларида мунтазам равишда, бироқ бир ойда бир мартадан кам бўлмаган ҳолатда тафтишлар ўтказилиши шарт. Тафтиш ўтказилаётган пайтда қуйидагилар текширилиши лозим:

миллий валюта, чет эл валютаси, қатъий ҳисобда турувчи бланклар мавжудлиги ва уларни жорий кун давомида айирбошлаш шоҳобчаси томонидан амалга оширилган операцияларни ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ҳисоби маълумотларига мос келиши;

қимматликларни, қатъий ҳисобда турувчи бланкларни, шунингдек айирбошлаш шоҳобчаларининг тўртбурчак муҳрларини олиш ва сақлаш қоидаларига риоя этиш;

реестрларни, журналларни, ҳисоботларни, чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш тўғрисидаги маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни ўз вақтида ва тўғри тўлдирилиши;

амалга оширилган операциялар учун воситачилик ҳақларининг тўғри ундирилиши;

чет эл валютасининг ҳақиқийлигини аниқлаш учун зарур бўлган детектор, тестер, бошқа замонавий жиҳозлар, сейфлар, телефон алоқаси, қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш воситалари, ҳисоблаш ва компьютер техникаси, шунингдек йўриқномалар, назорат ва маълумот материаллари мавжудлиги ва уларни сақлаш тартиби;

айирбошлаш шоҳобчаси ходимлари томонидан бошқа меъерий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши.

134. Тафтиш натижасига кўра далолатномалар тузилади. Улар ваколатли банк раҳбари томонидан кўриб чиқилиши ва 3 кун муддат ичида белгиланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриши керак.

135. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ваколатли банкларнинг айирбошлаш шоҳобчалари фаолиятини қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан режали ва тўсатдан текширишларни ташкил этиш ва ўтказиш ҳуқуқига эгадир.

136. Марказий банк ҳудудий Бош бошқармалари томонидан валюта айирбошлаш операцияларини бажариш қоидалари ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишини текшириб турадилар.

Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари валютани назорат қилувчи органлар, шунингдек зарур ҳолатларда Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси ваколатли банкларга қарашли валюта айирбошлаш операцияларини белгиланган тартибга риоя этилишини мунтазам равишда текшириш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ўзаро ҳамкорлик қилишлари шарт.

137. Текшириш давомида қонун ҳужжатлари талабларини айирбошлаш

шоҳобчалари томонидан бузиш ҳоллари аниқланганда, Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ваколатли банкка маълум бир муддатда йўл қўйилган тартиббузарликларни бартараф этиш бўйича кўрсатма юборади.

Агар айирбошлаш шоҳобчаларида мазкур Низомнинг талаблари бир неча бор (икки мартадан кўп) бузилган ёки аниқланган камчиликлар ваколатли банк томонидан бартараф этилиши юзасидан Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасининг кўрсатмалари бир неча бор (икки мартадан кўп) ижро этилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки олдига ваколатли банкнинг валюта операцияларини амалга ошириш бўйича Бош лицензиясининг валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш қисмининг амал қилинишини тўхтатилиши ҳақидаги масала қўйилиши зарур.

138. Агар валюта айирбошлаш операцияларини бажариш пайтида мунтазам равишда камчиликларга йўл қўйиш ҳолатлари аниқланса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ваколатли банкларнинг валюта операцияларини амалга ошириш бўйича Бош лицензиясини 6 ойгача бўлган муддатга тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилишга ҳақли.

139. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 53-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур Низом талабларини ва ушбу соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаганлик учун ваколатли банкларга жарималар солиш ҳуқуқига эга.

140. Белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган айирбошлаш шоҳобчаси томонидан валюта айирбошлаш операцияларини бажариш ҳолатлари аниқланса, Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки олдига ваколатли банкнинг валюта операцияларини амалга ошириш бўйича Бош лицензиясининг валюта айирбошлаш операциялари қисмини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги масалани қўяди.

141. Мазкур Низомнинг 37-бандига мувофиқ ваколатли банкка Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси гувоҳномани бекор қилиш тўғрисидаги хабарномаси юборилганидан кейин айирбошлаш шоҳобчаси томонидан валюта айирбошлаш операцияларини бажариш ҳолатлари аниқланса ҳамда мазкур гувоҳнома ушбу Низом 35-бандининг иккинчи — тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолатларга кўра бекор қилинган бўлса, Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки олдига ваколатли банкни валюта операцияларини амалга ошириш бўйича Бош лицензиядан маҳрум қилиш тўғрисидаги масалани қўйиш шарт.

XX. Рўйхатга олинган айирбошлаш шоҳобчалари ва уларда ўтказиладиган валюта айирбошлаш операциялари тўғрисида ҳисобот

142. Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҳисобот ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунидан кечикмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка ўз ҳудудида рўйхатга олинган ваколатли банкларга

қарашли валюта айирбошлаш шохобчалари ва уларнинг жойлашган ўрни ҳақидаги ҳисоботни (мазкур Низомга 15 ва 16-иловалар) ҳар ойда тақдим этишлари лозим.

143. Ваколатли банклар белгиланган айирбошлаш курсларининг ҳар бир ўзгариши тўғрисида, шунингдек валюта айирбошлаш операциялари ҳақидаги бошқа маълумот ва ҳисоботларни белгиланган муддат ва шаклларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига хабар қиладилар.

XXI. Якуний қоида

144. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Валюта айирбошлаш шохобчаларини рўйхатга олиш ДАФТАРИ

Т/р			Рўйхатга олиш санаси	Айирбошлаш шохобчасининг манзили	Банк номи ва манзили	Мансабдор шахс Ф.И.Ш. ва имзоси	Бекор қилинди (сана ва мансабдор шахс имзоси, бошқарма бўйича буйруқ рақами ва санаси)	Гувоҳнома бекор қилинишига асос
а	б	в						
1			2	3	4	5	6	7
00	000	000						

**Рўйхатга олиш дафтарини юритиш
ҚОИДАЛАРИ**

1 «а»-устунда Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига қарашли вилоят коди қўйилади.

1 «б»-устунда банк коди қўйилади.

1 «в»-устунда Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси томонидан айнан бир банк айирбошлаш шохобчаларини рўйхатга олиш тартибига қараб айирбошлаш шохобчасига берилган тартиб рақами қайд этилади.

2-устунда рўйхатга олиш санаси кўрсатилади.

3-устунда банкнинг рўйхатга олинган айирбошлаш шохобчаси манзили ёзилади.

4-устунда ваколатли банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олинишига мувофиқ қайд этилган тўлиқ номи ва манзили кўрсатилади.

5-устунда Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси раҳбарининг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилади ҳамда имзоси қўйилади.

6-устунда Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси гувоҳномани бекор қилинган сана кўрсатилади, шунингдек Марказий банк раҳбарининг имзоси қўйилади.

7-устунда ушбу Низомнинг 4.2-бандига мувофиқ гувоҳнома бекор қилинишининг асоси ёзилади: рўйхатга олинган айирбошлаш шохобчасида валюта айирбошлаш операциялари тўхтатилиши тўғрисида банк ёзган хат, Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси бўйича чиқарилган буйруқ ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тегишли ҳужжатлари.

Айирбошлаш шохобчаларини рўйхатга олиш дафтари рақамланади, тизимча билан тикилади ва Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасининг гербли муҳри босилади. Рўйхатга олиш дафтариининг сўнгги варағи орқасида Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасининг гербли муҳри билан тасдиқланган варақлар сони ёзиб қўйилади.

Айирбошлаш шохобчаларини рўйхатга олиш дафтари сўнгги варағининг орқа томонига қўйдагилар ёзиб қўйилади: «Ушбу дафтарда ___ варақ рақамланган, тикилган ва Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасининг гербли муҳри билан тасдиқланган».

Ушбу ёзув Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланади. Рўйхатга олиш дафтари қўлда тўлдирилади ва юритилади. Рўйхатга олиш дафтарида ёзувлар ўчирилишига, чаплаштирилишига, шунингдек Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси бошлиғининг имзоси билан тасдиқланмаган тузатишлар бўлишига йўл қўйилмайди. Рўйхатга олиш дафтаридаги ҳар бир варақнинг орқа томони ушбу низомда белгиланган ҳолларда почта жўнатмалари топширилгани тўғрисидаги билдиришномаларни елимлаш учун мўлжалланган.

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

*Марказий банк ҳудудий бошқармаси
бланкида тўлдирилади*

*** Валюта айирбошлаш шохобчаси
рўйхатга олингани тўғрисида
Г У В О Ҳ Н О М А**

_____ банкка (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Бош бошқармаси рўйхатга олишига мувофиқ банкнинг тўлиқ номи кўрсатилади) унинг _____-сон айирбошлаш шохобчаси _____

_____ манзил бўйича (айирбошлаш шохобчасининг тўлиқ манзили кўрсатилади) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки _____ Бош бошқармаси томонидан рўйхатга олинганлиги тўғрисида берилди.

_____ айирбошлаш шохобчаси фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки _____ Бош бошқармаси назорат қилади**.

_____ айирбошлаш шохобчаси фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудда айирбошлаш шохобчалари ишларини ташкил этишининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган тартибни бузган, шунингдек Марказий банк кўрсатмаларини бажармаган тақдирда _____ айирбошлаш шохобчаси ёпилади ҳамда ваколатли банк Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Бош бошқармаси бошлиғи _____

М.Ў.

* Ваколатли банк айирбошлаш шохобчасининг рўйхат рақами саккизта рақамдан иборат бўлади: биринчи сон вилоят коди (рўйхатга олиш дафтарининг 1 «а» устуни), иккинчи сон банк коди (рўйхатга олиш дафтарининг 1 «б» устуни), учинчи сон Марказий банк Бош бошқармасига қарашли ҳудудда бир банкнинг ўзи очган ҳар бир навбатдаги айирбошлаш шохобчасига улар рўйхатдан ўтиши тартибига қараб бериладиган тартиб рақами (рўйхатга олиш дафтарининг 1 «в» устуни).

** Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси номи кўрсатилади.

*Банк муассасасининг номи**Беришга рухсат этаман:*

**Валюта айирбошлаш шохобчасидаги операцияларни
бажариш учун бўнак олиш тўғрисида
ТАЛАБНОМА**

(айирбошлаш шохобчаси ходимининг Ф.И.Ш.)

(валюта айирбошлаш шохобчасининг номи)

валюта айирбошлаш шохобчасида операциялар бажариш учун қуйидагиларни беришга рухсат этишингизни сўрайман

I. 20__ йил «__» _____ ҳолатига кўра чет эл валютасида ва сўмда қуйидаги миқдордаги бўнак:

а) сўмларда: _____

(сумма рақам ва ёзув билан)

б) нақд чет эл валютасида: _____

(валюта номи, сумма рақам ва ёзув билан)

II. Қатъий ҳисобда турувчи бланклар:

_____ сонли: _____

_____ сонли: _____

_____ сонли: _____

(айирбошлаш шохобчаси ходимининг имзоси)

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

09002-сон
1-нусха

Vakolatli bankning emblemasi

(Vakolatli bank nomi)

(Ayirboshlash shoxobchasi muhri)

_____ - sonli MA'LUMOTNOMA - CERTIFICATE

20__ y. «__» _____

almashtirildi

_____ (valyuta nomi, summasi raqam va so'z bilan yozilsin
type of currency, amount in figures and in words)

_____ so'm berildi
sums paid out

_____ vositachilik haqi undirildi
commission recovered

_____ (valyuta egasining imzosi —
holder's signature)

_____ (ayirboshlash shoxobchasi
xodimlarining imzosi)

Sarflanmay qolgan so'mlarni almashtirish qoidalari orqa tomonda berilgan
the rules of exchange of unspent sums see on the reverse.

**SARFLANMAY QOLGAN SO'MLARNI
CHET EL VALYUTASIGA ALMASHTIRISH
EXCHANGE OF UNSPENT SUMS
AGAINST FOREIGN CURRENCY**

_____ so'm berildi
(summasi raqam va so'z bilan yozilsin in figures and in words) Sums handed out

**Almashtirish uchun
sums accept for exchange**

_____ so'm berildi
Out of this amount

_____ naqd valyuta to'landi
cash currency paid out

_____ vositachilik haqi undirildi.
Summa commission recovered

manzilga o'tkazilishi lozim

_____ (oluvchining familiyasi va ismi — recipient's name)

_____ qaytim berildi
change paid out

_____ (valyuta egasining imzosi —
holder's signature)

_____ (ayirboshlash shoxobchasi
xodimlarining imzosi)

20__ y. «__» _____

**QALBAKILASHTIRISH QONUNGA
MUVOFIQ TA'QIB QILINADI
TUZATISH KIRITISH MUMKIN EMAS
BOSHQA SHAXSLARGA BERISH TAQIQLANADI**

Mazkur ma'lumotnomani taqdim etib, Siz sarflanmay qolgan so'mni naqd chet el valyutasiga almashtirishingiz yoki uning ekvivalentini O'zbekiston Respublikasining bank muassasalari orqali chet elga o'tkazishingiz mumkin.

**MA'LUMOTNOMANI BOSHQA SHAXSLARGA
BERISH TAQIQLANADI**

Upon presentation of this certificate you may exchange unspent sums into foreign currency cash and travel cheques or remit the equivalent abroad through banking institutions of the Republic of Uzbekistan.

**THE CERTIFICATE SHOULD NOT BE
TRANSFERRED TO OTHER PERSONS**

**09002-son
2-nusxa**

Vakolatli bankning emblemasi

(Vakolatli bank nomi)

(Ayirboshlash shoxobchasi muhri)

_____ - sonli **MA'LUMOTNOMA - CERTIFICATE**

20__ y. «__» _____

Almashtirildi

(valyuta nomi, summasi raqam va so'z bilan yozilsin
type of currency, amount in figures and in words)

so'm berildi
sums paid out

vositachilik haqi undirildi
commission recovered

(valyuta egasining imzosi —
holder's signature)

(ayirboshlash shoxobchasi
xodimlarining imzosi)

Mazkur ma'lumotnoma chet el valyutasi so'mga almashtirilganligini tasdiqlash maqsadida berildi. U sarflanmay qolgan so'mni naqd chet el valyutasi, xorijiy chek, yoki o'tkazmaga qayta almashtirish huquqini bermaydi.

This certificate is delivered in confirmation of the fact of exchange of foreign currency against sums and does not give any right to effect of reexchange for foreign currency, cheques or transfer abroad.

**QALBAKILASHTIRISH QONUNGA
MUVOFIQ TA'QIB QILINADI
TUZATISH KIRITISH MUMKIN EMAS
BOSHQA SHAXSLARGA
BERISH TAQIQLANADI**

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

09003-сон

(Банк муассасасининг номи)

**Нақд сўмга сотиб олинган нақд чет эл валютаси ва
чет эл валютасидаги йўл чекларини ҳисобга олиш
Р Ў Й Х А Т И**

20__ йил «__» _____

Чет эл валютаси (чет эл валютасидаги тўлов хужжатлари)нинг номи	Чет эл валютаси номинали, рақами ва серияси	Чет эл валютасининг суммаси	Курс	Сумма (сўмда)			Маълумотнома рақами 09002-сон	Операция бажариладиган вақт
				курс бўйича	воситачилик ҳақи	берилсин		

Чет эл валютаси (чет эл валютасидаги тўлов)	Чет эл валютаси номинали, рақами ва серияси	Чет эл валютасининг суммаси	Курс	Сумма (сўмда)			Берилган маълумотнома рақами 09002-сон	Операция бажариладиган вақт
				курс бўйича	воситачилик ҳақи	берилсин		

**Харид қилинган чет эл валютаси ва йўл чеклари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Умумий сумма (курс бўйича сўмда) _____
(рақамлар ва ёзув билан)

Операцияни расмийлаштирган банк ходими _____

Бош бухгалтер (бўлим бошлиғи) _____

_____ сўм суммасидаги валютани кассир _____ қабул қилди.

_____ (bank nomi)

**Хорijiy davlatning to'lovga yaroqsiz (shikastlangan)
pul belgilarini o'sha xorijiy davlatning to'lovga yaroqli
(shikastlanmagan) pul belgilariga maydalash
(almashtirish) bo'yicha operasiyalar
RO'YXATI**

20__ yil «__» _____

Ushbu tasdiqlovchi hujjat berildi _____

_____ (familiyasi, ismi va otasining ismi, pasport raqami va seriyasi)

_____ shaxsini tasdiqlovchi yoki boshqa hujjatlar)

Turar joyi boyicha manzil _____

Xorijiy davlatning pul birligini inkassoga qabul qilish (chet el valyutasidagi to'lov hujjati):

1. _____ (chet el valyutasining to'liq nomi, nominali, seriyasi va raqami, bank-emitentning nomi)
2. _____
3. _____
4. _____

Bank kassiri _____ (imzo) _____ (familiyasi va inisial)

M.O'.

Xorij valyutasining egasi _____ (imzo) _____ (familiyasi va inisial)

2 nusxada to'ldiriladi:

1-nusxa mijozga beriladi, 2-nusxa bank buxgalteriyasida saqlanadi.

09005-сон

Bankning emblemasi

(Vakolatli bankning nomi)

KVITANSIYA № _____
Chet el valyutasidagi to'lov hujjatlari va naqd chet el
valyutasini ekspertizaga qabul qilish to'g'risida
 « _____ » _____ **20**__ y.

Ushbu tasdiqlovchi hujjat berildi _____

(familiyasi, ismi va otasining ismi, pasport raqami va seriyasi, shaxsni tasdiqlovchi yoki boshqa hujjatlar)

Turar joyi boyicha manzil _____

Chet el valyutasidagi to'lov hujjatlari va pul birligini ekspertizaga qabul qilish:

1. _____
(chet el valyutasining to'liq nomi, nominali, seriyasi va raqami, bank-emitentning nomi)
2. _____
3. _____
4. _____

Qayd etilgan pul birligi (to'lov hujjati) o'rnatilgan tartibda ekspertiza uchun qabul qilinadi.

Bank xodimlari

(imzo, familiya va inisial)

M.O'.

QALBAKILASHTIRISH QONUNGA
MUVOFIQ TA'QIB QILINADI
TUZATISH KIRITISH MUMKIN EMAS
BOSHQA SHAXSLARGA
BERISH TAQIQLANADI

2 nusxada to'ldiriladi:
 1-nusxa mijozga beriladi, 2-nusxa
 bank buxgalteriyasida saqlanadi.

09006-сон

Bankning emblemasi**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI**

_____-sonli RUXSATNOMA

20__ yil «__» _____

Xorijga jo‘nab ketayotgan _____ga
(familiyasi, ismi va otasining ismi)ushbu hujjat bo‘yicha xorijga chiqish ruxsati bo‘lgan pasporti _____
(seriyasi, nomeri)_____ ko‘rsatilganda
(berilgan vaqti, kim tomonidan berilgan)_____ (summasi raqam va so‘z bilan yozilsin)
_____ (chet el valyutasining to‘liq nomi)

miqdoridagi naqd chet el valyutasini xorijga olib chiqishga ruxsat etiladi.

Ushbu ruxsatnoma bojxonaga topshirilishi shart.

O‘zbekiston Respublikasi
Markaziy banki Raisi
o‘rinbosari_____
(imzo)

M.O‘:

**QALBAKILASHTIRISH QONUNGA
MUVOFIQ TA‘QIB QILINADI
TUZATISH KIRITISH MUMKIN EMAS
BOSHQA SHAXSLARGA
BERISH TAQIQLANADI
UCH OY DAVOMIDA HAQIQIYDIR**

09007-сон

Vakolatli bankning emblemasi
(Vakolatli bank nomi) (ayirboshlash shoxobchasi muhri)

_____ - son MA'LUMOTNOMA

20__ y. «__» _____

Berildi

_____ (familiyasi, ismi va otasining ismi)

shu haqdakim, uning so'mi

_____ (valyutaning belgilangan qiymat bo'yicha raqam va so'z bilan yozilgan summasi)

miqdoridagi

_____ ga almashtirildi

(chet el valyutasi nomi)

Ayirboshlash shoxobchasi xodimlarining imzosi _____

Mijozning imzosi _____

Mazkur ma'lumotnoma naqd chet el valyutasini O'zbekiston Respublikasidan tashqariga olib chiqib ketish uchun asos bo'la olmaydi.

**Qalbakilashtirish qonunga
muvofiq ta'qib qilinadi**

**Boshqa shaxslarga berish
taqiqlanadi**

**QALBAKILASHTIRISH QONUNGA
MUVOFIQ TA'QIB QILINADI
TUZATISH KIRITISH MUMKIN EMAS
BOSHQA SHAXSLARGA
BERISH TAQIQLANADI**

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга
11-ИЛОВА

09008-сон

(Банк муассасасининг номи)

**Нақд сўмга сотилган нақд чет эл валютаси ва чет эл
валютасидаги йўл чекларини ҳисобга олиш
ДАФТАРИ**

20__ йил «__» _____

Чет эл валютаси номи	Сотилган чет эл валютаси суммаси	Курс	Сумма (сўмда)			Маълумотнома рақами 09007-сон	Операция бажариладиган вақт
			курс бўйича	воситачилик ҳақи	мижоздан қабул қилинди		

Чет эл валютаси номи	Чет эл валютасининг суммаси	Курс	Сумма (сўмда)			Берилган маълумотнома рақами 09007-сон	Операция бажариладиган вақт
			курс бўйича	воситачилик ҳақи	мижоздан қабул қилинди		

**Сотилган чел эл валютаси ва йўл чеклари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Операцияни расмийлаштирган банк ходими _____

Ҳисоботни текширди _____

Бош бухгалтер (бўлим бошлиғи) _____

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга
12-ИЛОВА

09013-сон

(банк номи)

**Хорижий давлатнинг тўловга яроқли (шикастланган)
пул белгиларини ўша хорижий давлатнинг тўловга
яроқли (шикастланмаган) пул белгиларига майдалаш
(алмаштириш) бўйича операциялар
Р Ў Й Х А Т И**

20__ йил «__» _____

Чет эл валютасининг НОМИ	Майдалаш ёки алмаштириш учун қабул қилинган чет эл валютасининг номинали, номери ва серияси	Алмаштириш тартибда қабул қилинган чет эл валютасининг номинали, номери ва серияси	Воситачилик ҳақининг суммаси	Берилган маълумотнома (квитанция) нинг 09014 (09012) рақами
1	2	3	4	5

**Хорижий давлатнинг тўловга яроқли (шикастланган) пул
белгиларини ўша хорижий давлатнинг тўловга яроқли
(шикастланмаган) пул белгиларига майдалаш (алмаштириш)
бўйича операциялар тўғрисида маълумотлар жами**

Операцияни расмийлаштирган банк ходими _____

Ҳисоботни текширди _____

Бош бухгалтер (бўлим бошлиғи) _____

Хорижий давлатнинг майдалаш ёки алмаштириш учун қабул қилинган

пул белгисининг номинали ҳар бир операция бўйича берилган тартибдаги ўша хорижий давлат пул белгиларининг номиналлар суммасига мос келиши шарт.

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга
13-ИЛОВА

09014-сон

Банкнинг эмблемаси

_____ (Ваколатли банк номи)

-СОН МАЪЛУМОТНОМА

Ушбу маълумотнома берилди шу ҳақдаким _____

(Мижознинг фамилияси, исми ва отасининг исми)

Хорижий давлат _____ пул
белгисини, бошқа хорижий давлатнинг _____ пул
белгисига алмаштирилди. Мижоздан _____

(валюта номи, суммаси рақам билан ва сўз билан ёзилсин)

Чет эл валютасининг номи	Алмаштириш учун қабул қилинаётган хорижий давлатнинг пул белгиси номинали, рақами ва серияси	Алмаштириш тартибида берилган хорижий давлатнинг пул белгиси номинали, рақами ва серияси

_____ миқдорда воситачилик ҳақи олинди.
(сумма рақам билан ва сўз билан ёзилсин)

_____ (мижоз имзоси)

_____ (назоратчи имзоси)

_____ (кассир имзоси)

**(Банк муҳри
ёки айирбошлаш
шохобчасининг штампи)**

2 нусхада тўлдирилади

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга
14-ИЛОВА

09009-сон

(Банк муассасасининг номи)

(ҳисобот тузган ходимнинг Ф.И.Ш.)

**Айирбошлаш шохобчасидаги операциялар тўғрисида
Ҳ И С О Б О Т**

20__ йил «__» _____

Бир кунлик бўнак лимити:

а) чет эл валютасида ва йўл чекларида _____

б) сўмда _____

(сўм ва тийин)

Операция мазмуни	Сўм		Чет эл валютаси*	
	кирим	чиқим	кирим	чиқим
I. Кун бошидаги қолдиқ (олинган бўнак)				
II. Кунлик айланмалар:				
1. Сотиб олинган валюта ва йўл чеклари				
2. Сотилган валюта				
3. Воситачилик ҳақи ундирилди				
4.				
5.				
6.				
7. Кейинги смена кассирига топширилди				
Жами айланмалар				
III. Банк кассасига топширилиши керак				
БАЛАНС				

* «чет эл валютаси» графаси Марказий банк курси бўйича тўлдирилади.

**Қатъий ҳисобда турувчи бланклар
ҲАРАКАТИ**

Бланкнинг номи	Олинди		Сарфланди		Қолди		Шулардан бузилгани	
	рақам-дан	рақам-гача	рақам-дан	рақам-гача	рақам-дан	рақам-гача	рақам-дан	рақам-гача
Ш								
Ш								
Ш								
Ш								

Илова _____ варақдан иборат

_____ (Айирбошлаш шохобчаси ходимларининг имзоси)

Ҳисоботни текширди _____

_____ (Бош бухгалтер ёки бўлим бошлиғи имзоси)

20__ йил «___» _____

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга
15-ИЛОВА

**Марказий банк Бош бошқармаси
бланкида тўлдирилади**

Ўзбекистон Республикаси Марказий
банки Валюта айирбошлаш операциялари
Махсус бошқармаси
700001, Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон шох кўчаси, 6-уй

_____ йилнинг _____ ойда банкларнинг рўйхатга
олинган айирбошлаш шохобчалари тўғрисидаги
Ҳ И С О Б О Т

1. Ҳисобот йилининг 1 январь ҳолатига кўра Марказий банк _____
_____ Бош бошқармасида рўйхатга олинган айирбош-
лаш шохобчалари сони _____дан иборат.
2. _____ ҳисобот ойда Марказий банк Бош бошқармаси рўйхатга олган
айирбошлаш шохобчалари сони _____дан иборат.
3. Аввалги ойда Марказий банк Бош бошқармаси рўйхатга олган айир-
бошлаш шохобчалари сони _____дан иборат.
4. Ҳисобот санасида Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига
айирбошлаш шохобчаларини рўйхатга олиш тўғрисида банклар томонидан
кўриб чиқиш учун берилган аризалар сони _____та (ҳисобот ойда банклар-
нинг айирбошлаш шохобчаларини рўйхатга олиш тўғрисида тушган ариза-
ларга асосан маълумотлар кўрсатилади).
5. Ҳисобот ойда, жумладан, Марказий банк _____ Бош
бошқармаси буйруғига мувофиқ фаолияти тўхтатилган айирбошлаш шохоб-
чалари сони _____ та.
6. Марказий банк Бош бошқармасида ҳисобот йилининг 1 январидан
бошлаб ҳисобот санасигача рўйхатга олинган (_____ ўсиб борувчи якун
бўйича) айирбошлаш шохобчалари сони _____ та.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Бош бошқармаси бошлиғи

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга
16-ИЛОВА

**20__ йил «__» _____ ҳолатига кўра ваколатли
банклар айирбошлаш шохобчалари жойлашиши**

Т/р	Ваколатли банк номи	Айирбошлаш шохобчасининг рўйхатга олиш рақами	Айирбошлаш шохобчасининг манзили (тўлиқ манзили)	Айирбошлаш шохобчасининг телефон рақами
1	2	3	4	5

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга
17-ИЛОВА

09015-son

Vakolatli bankning emblemasi

(Vakolatli bankning nomi)

_____ -son KVITANSIYA

20__ у. «__» _____

Ushbu Kvitansiya _____ dan
_____ miqdoridagi naqd

(familiyasi va ismi)

(xorijiy valyuta yoki to'lov hujjatining nomi, summasi raqam va so'z bilan yozilsin)

Xorijiy valyuta yoki to'lov hujjatini _____

(qabul qilinish maqsadi yozilsin)

uchun qabul qilinganligini tasdiqlaydi.

Vositachilik haqi _____ undirildi
(undiriladigan milliy yoki xorijiy valyutaning nomi va raqami yozilsin)

Bank xodimlarining imzosi _____

M.O‘.

Mijozning imzosi _____

Mazkur Kvitansiya ikki nusxada to‘ldiriladi:

Birinchi nusxa mijozga, ikkinchi nusxa buxgalteriya kunlik hujjatlariga tikiladi.

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга
18-ИЛОВА

09016-son

(Банк муассасасининг номи)

**Нақд чет эл валютасида тўланган чет эл валютасидаги
тўлов хужжатларининг
РЎЙХАТИ**

20 _____ йил « _____ » _____

Чет эл валютасидаги чет эл тўлов хужжатларининг номи	Тўлов хужжатларининг рақамларда кўрсатилган суммаси	Берилган чет эл валютасининг номи	Чет эл валютасининг рақамларда кўрсатилган суммаси	Воситачилик ҳақининг суммаси	Берилган 09015-сонли квитанциянинг рақами
1	2	3	4	5	6

**Нақд чет эл валютасида тўланган чет эл валютасидаги
тўлов ҳужжатлари бўйича маълумотлар жами**

Операцияни расмийлаштирган банк ходими _____

Ҳисоботни текширди _____

Бош бухгалтер (бўлим бошлиғи) _____

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга
19-ИЛОВА

09017-son

(Банк муассасасининг номи)

**Халқаро банк карталари бўйича берилган нақд чет эл
валютаси ёки чет эл валютасининг пластик картага
ўтказиб бериш бўйича
РЕЕСТР**

20 ____ **йил** « ____ » _____

Пластик карта эмитентининг номи	Пластик картани берган банк номи	Пластик карта рақами	Ҳисоб рақамдан чиқариш тартибида мижозга берилган валютанинг номи	Ҳисоб рақамдан чиқариш тартибида мижозга берилган валютанинг суммаси	Воситачилик ҳақининг суммаси	Чек ёки кирим ордерининг рақами
1	2	3	4	5	6	7

**Халқаро банк карталар бўйича берилган нақд чет эл
валютаси ёки чет эл валютасининг банк картасига
ўтказиб бериш тўғрисидаги жами
МАЪЛУМОТЛАР**

Операцияни расмийлаштирган банк ходими _____

Ҳисоботни текширди _____

Бош бухгалтер (бўлим бошлиғи) _____

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга
20-ИЛОВА

09018-son

Vakolatli bankning emblemasi

(Vakolatli bank nomi) (ayirboshlash shoxobchasi shtampi)

_____ sonli MA'LUMOTNOMA — CERTIFICATE
20__ y. «__» _____

(qabul qilingan valyuta nomi, summasi raqam va so'z bilan yozilsin)

(konversiya qilingan valyuta nomi, summasi raqam va so'z bilan yozilsin) vositachilik haqi undirildi

(valyuta egasining imzosi — holder's signature)

(ayirboshlash shoxobchasi xodimlarining imzosi)

Mazkur ma'lumotnoma bir chet el valyutasi boshqa chet el valyutasiga almashtirilganligini tasdiqlash maqsadida berildi.

**QALBAKILASHTIRISH QONUNGA
MUVOFIQ TA'QIB QILINADI
TUZATISH KIRITISH MUMKIN EMAS
BOSHQA SHAXSLARGA
BERISH TAQIQLANADI**

(Банк муассасасининг номи)

**Конверсия қилинган (алмаштирилган) нақд чет эл
валютасини ҳисобга олиш****ДАФТАРИ**

20__ йил «__» _____

Қабул қилинган чет эл валютаси номи	Қабул қилинган чет эл валютаси суммаси	Қабул қилиш курси	Воситачилик ҳақи	Конверсия қилинган чет эл валютаси номи	Конверсия қилинган чет эл валютаси суммаси	Конверсия қилиб бериш курси	Сана

Операцияни расмийлаштирган банк ходими _____

Ҳисоботни текширди _____

Бош бухгалтер (бўлим бошлиғи) _____

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга
22-ИЛОВА

09012-сон

Bankning emblemasi

_____ (Vakolatli bankning nomi)

KVITANSIYA _____ № _____
« _____ » _____ **20** _____ y.

Ushbu tasdiqlovchi hujjat berildi _____

_____ (familiyasi, ismi va otasining ismi, pasport raqami va seriyasi, shaxsni tasdiqlovchi yoki boshqa hujjatlar)

Turar joyi boyicha manzil _____

Shikastlangan chet el valyutasini shikastlanmagan chet el valyutasiga almashtirish.

Qabul qilindi _____

(chet el valyutasining nomi, valyutaning belgilangan qiymat bo'yicha raqam va so'z

_____ bilan yozilgan summasi, nominali, seriyasi va raqami, bank-emitentning nomi)

Berildi _____

(chet el valyutasining nomi, valyutaning qiymat bo'yicha raqam va so'z bilan yozilgan summasi)

Komissiya undirildi _____

(chet el valyutasining qiymat bo'yicha raqam va so'z bilan yozilgan summasi)

_____ (mijozning imzosi)

_____ (bank xodimlari imzosi)

M.O'.

**QALBAKILASHTIRISH QONUNGA
MUVOFIQ TA'QIB QILINADI
TUZATISH KIRITISH MUMKIN EMAS
BOSHQA SHAXSLARGA
BERISH TAQIQLANADI**

2 nusxada to'ldiriladi:
1-nusxa mijozga beriladi, 2-nusxa
bank buxgalteriyasida saqlanadi.